**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O‘RTA MAXSUS TA’LIM VAZIRINING
BUYRUG‘I**

**2021-yil** 8 - sentabr 387 **-son** Toshkent sh.

**O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2021-yil 27-avgustdagi 545-son qarori to‘g‘risida**

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2021-yil 27-avgustdagi “Ilmiy va innovatsion faoliyatni boshqarish tizimini tashkil etish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi 545-son qarori ijrosini ta’minlash maqsadida

**B U Y U R A M A N:**

1. Vazir o‘rinbosarlari, vazirlik tizimidagi tashkilotlar rahbarlari, oliy ta’lim muassasalari rektorlari (filiallar direktorlari) O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2021-yil 27-avgustdagi “Ilmiy va innovatsion faoliyatni boshqarish tizimini tashkil etish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi 545-son qarorini rahbarlik va ijro uchun qabul qilsin.

2. Vazirning fan va innovatsiyalar bo‘yicha o‘rinbosari (R.Xakimov)ga mazkur qaror bilan innovatsiyalar bo‘yicha quyidagi qo‘shimcha vazifalar (Chief Innovation Officer) yuklatilganligi inobatga olinsin:

iqtisodiyotning real sektori va ishlab chiqarish tarmoqlarining ilmiy ishlanma va innovatsiyalarga bo‘lgan ehtiyojlarini aniqlashda ishtirok etish hamda tarmoq bo‘yicha ilmiy-tadqiqotlarni rivojlantirish asosida ilm-fan va ishlab chiqarish integratsiyasini mustahkamlash;

yangi ishlanmalarni tijoratlashtirish va ishlab chiqarishga joriy etish hamda ratsionalizatorlik faoliyatini rivojlantirish choralarini ko‘rish;

ishlab chiqarish jarayonlarini samarali tashkil etishga qaratilgan yangi ishlanmalar sinovlarini tarmoq tashkilotlarida sanoat darajasida o‘tkazishni tashkil etish;

tarmoq tashkilotlarining ishlab chiqarish ko‘rsatkichlarini yaxshilash maqsadida ularni innovatsion rivojlantirishga qaratilgan rejalarini amalga oshirish va rivojlantirish istiqbollari bo‘yicha takliflar ishlab chiqish;

yuqori texnologiyali va tijoratlashtiriladigan mahsulotlarni ishlab chiqish maqsadida ilmiy tashkilotlar va ishlab chiqarish sektori o‘rtasida integratsiyani ta’minlash;

davlat boshqaruvi organlari, mahalliy ijro etuvchi hokimiyat organlari, xo'jalik birlashmalari va boshqa tashkilotlarga joriy etiladigan yangi ishlanmalarni moliyalashtirish uchun tavsiya qilish;

ilmiy-tadqiqotlar, ishlanmalar va intellektual faoliyat natijalari tijoratlashtirilishini moliyalashtirishda ko'maklashish;

ilmiy ishlanmalarni qo'llagan holda yaratilgan tovarlarni (ishlarni bajarish, xizmatlarni ko'rsatish) realizatsiya qilish orqali innovatsion loyihalarni tijoratlashtirish.

3. Qarorning 3-bandiga muvofiq Ilmiy-tadqiqot va innovatsion faoliyatni rivojlantirish boshqarmasi Vazirning fan va innovatsiyalar bo'yicha o'rinbosariga bo'ysunuvchi innovatsion faoliyat bilan shug'ullanishga mas'ul bo'linma etib belgilansin.

4. Ilmiy-tadqiqot va innovatsion faoliyatni rivojlantirish boshqarmasi (A.Xudaykulov) 15 kun muddatda innovatsion faoliyat sohasida uch yilga mo'ljallangan "yo'l xaritasi"ni ishlab chiqib, Innovatsion rivojlanish vazirligi bilan kelishgan holda tasdiqlanishini ta'minlasin.

5. Qarorning 2-ilovasi bilan "Ilmiy tashkilotlarning ilmiy yordamchi va xizmat ko'rsatuvchi xodimlar shtat normativlarini belgilash tartibi" tasdiqlanganligi, shuningdek 3-ilova bilan O'zbekiston Respublikasi Hukumatining ayrim qarorlariga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritilganligi inobatga olinsin.

6. Yuridik bo'lim (F.Fayziyev) bir oy muddatda ushbu qarordan kelib chiqib vazirlikning tegishli normativ-huquqiy hujjatlarni ushbu qarorga muvofiqlashtirilishini ta'minlasin.

7. Mazkur buyruq ijrosi nazorati vazir o'rinbosari R.Xakimov zimmasiga yuklansin.

**Vazir** **A.Toshkulov**

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI

20 21 yil « 27 » avgust № 545 Toshkent sh.

**Илмий ва инновацион фаолиятни бошқариш тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида” 2021 йил 1 апрелдаги ПФ–6198-сон Фармони ҳамда “Илм-фан соҳасидаги давлат сиёсати ва инновацион ривожлантиришдаги давлат бошқарувини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 1 апрелдаги ПҚ–5047-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи **Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги тўғрисидаги низом** 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг (кейинги ўринларда – Вазирлик) мақоми ва тузилмаси;

Вазирлик ва унинг марказий аппарати, ҳудудий бошқармаларининг асосий вазифалари ва функциялари, шунингдек, ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятлари;

Вазирлик раҳбарларининг асосий функционал вазифалари, шу жумладан, вазир ўринбосарининг соҳа йўналишлари бўйича асосий вазифалари ҳамда жавобгарлиги;

Вазирлик фаолиятининг ташкилий асослари, ҳисобдорлиги, фаолият самарадорлигини баҳолаш мезонлари, ҳайъат ва бошқа маслаҳат, консультатив ва эксперт органлари фаолиятини ташкил этиш тартиби;

Вазирлик фаолиятини молиялаштириш ва унинг ходимларини моддий рағбатлантириш тартиби.

2. Давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбар ўринбосарларининг бирига инновацияларни жорий этиш бўйича қуйидаги қўшимча вазифалар (Chief Innovation Officer) (кейинги ўринларда – раҳбар ўринбосарлари) юклатилсин:



иқтисодиётнинг реал сектори ва ишлаб чиқариш тармоқларининг илмий ишланма ва инновацияларга бўлган эҳтиёжларини аниқлашда иштирок этиш ҳамда тармоқ бўйича илмий-тадқиқотларни ривожлантириш асосида илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини мустаҳкамлаш;

янги ишланмаларни тижоратлаштириш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш ҳамда рационализаторлик фаолиятини ривожлантириш чораларини кўриш;

ишлаб чиқариш жараёнларини самарали ташкил этишга қаратилган янги ишланмалар синовларини тармоқ ташкилотларида саноат даражасида ўтказишни ташкил этиш;

тармоқ ташкилотларининг ишлаб чиқариш кўрсаткичларини яхшилаш мақсадида уларни инновацион ривожлантиришга қаратилган режаларини амалга ошириш ва ривожлантириш истиқболлари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

юқори технологияли ва тижоратлаштириладиган маҳсулотларни ишлаб чиқиш мақсадида илмий ташкилотлар ва ишлаб чиқариш сектори ўртасида интеграцияни таъминлаш;

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотларга жорий этиладиган янги ишланмаларни молиялаштириш учун тавсия қилиш;

илмий-тадқиқотлар, ишланмалар ва интеллектуал фаолият натижалари тижоратлаштирилишини молиялаштиришда кўмаклашиш;

илмий ишланмаларни қўллаган ҳолда яратилган товарларни (ишларни бажариш, хизматларни кўрсатиш) реализация қилиш орқали инновацион лойиҳаларни тижоратлаштириш.

3. Давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари бир ой муддатда:

штат бирликлари доирасида раҳбар ўринбосарига бўйсунувчи инновацион фаолият билан шуғулланишга масъул бўлинма (кейинги ўринларда – Масъул бўлинма)ни ташкил этсин;

инновацион фаолият соҳасида уч йилга мўлжалланган “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиб, Вазирлик билан келишган ҳолда тасдиқласин.

4. Вазирлик ва Давлат активларини бошқариш агентлигининг “Яшнобод” инновация технопаркига Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан ажратилган қарзнинг қайтарилмаган қисмини тўлиқ ушбу технопарк устав капиталини оширишга йўналтириш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Белгилаб қўйилсинки, “Яшнобод” инновация технопарки резиденти мақомини бериш технопарк дирекцияси тақдимномасига асосан Вазирлик ҳайъатининг қарори билан амалга оширилади.

5. Илмий ташкилотларнинг илмий ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи ходимлар штат нормативларини белгилаш тартиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

7. Вазирлик манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси – IT-технологиялар, телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғи О.М. Умаров ҳамда Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазири И.Ю. Абдураҳмонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Бош вазири** UMUMIY BO'LIM № 1 **А. Арипов**

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 27 августдаги 545-сон қарорига
1-илова

**Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги тўғрисида**
**НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг (кейинги ўринларда – Вазирлик) мақоми, вазифалари, функциялари, ваколатлари ҳамда ташкилий асосларини, шунингдек, раҳбарларининг функционал мажбурияти ва масъулиятини белгилайди.

2. Вазирлик:

Ўзбекистон Республикасида илм-фан ва илмий фаолият соҳасини ҳамда инновацион фаолиятни бошқариш ва ташкиллаштириш, уни амалга оширишни мувофиқлаштириш, Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, мамлакатнинг интеллектуал ва технологик салоҳиятини оширишга қаратилган ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи ваколатли давлат бошқаруви органи ҳисобланади;

ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Низомга ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига амал қилади;

Вазирлар Маҳкамасига, қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган фаолиятнинг алоҳида масалалари бўйича – бевосита Ўзбекистон Республикаси Президентига бўйсунади;

илмий-тадқиқот, таълим ва бошқа муассасалар томонидан амалга ошириладиган илмий фаолиятга оид давлат дастурлари ва лойиҳаларининг ягона буюртмачиси ҳисобланади.

3. Вазирликнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

4. Вазирликнинг расмий номланиши:

а) давлат тилида:

тўлиқ номи – Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, қисқартмаси – Инновация вазирлиги;

б) рус тилида:

тўлиқ номи – Министерство инновационного развития Республики Узбекистан, қисқартмаси – Мининновация;

в) инглиз тилида:

тўлиқ номи – Ministry of innovative development of the Republic of Uzbekistan, қисқартмаси – Innovation ministry.

5. Вазирлик юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга, мустақил балансга, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида шахсий ғазна ҳисобварақларига, шу жумладан хорижий валютадаги шахсий ғазна ҳисобварақларига эга бўлади.

6. Вазирлик жойлашган ери (почта манзили): Тошкент шаҳри Олмазор тумани Талабалар шаҳарчаси, Университет кўчаси, 7-уй, 100174.

## 2-боб. Вазирликнинг тузилмаси

7. Вазирлик тизимига қуйидагилар киради:

Вазирликнинг марказий аппарати;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар инновацион ривожланиш бошқармалари (кейинги ўринларда – Вазирликнинг ҳудудий бошқармалари);

Инновацияларни жорий қилиш ва технологиялар трансферининг миллий офиси;

Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси;

Ёшлар академияси;

Илмий-техник ахборот маркази;

Илғор технологиялар маркази;

Халқаро молекуляр аллергология маркази;

“Яшнобод” инновацион технопарки дирекцияси;

Ёшлар инновация маркази;

Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи.

8. Ҳудудий бошқармалар Вазирликка ҳамда тегишлилигига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларига бўйсунади.

## 3-боб. Вазирлик ва унинг марказий аппарати, ҳудудий бошқармаларининг вазифалари ва функциялари

### 1-§. Вазирликнинг вазифалари ва функциялари

9. Қуйидагилар Вазирликнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

узоқ муддатли сценарийлар асосида устувор соҳа ва тармоқларга илм-фан ютуқларини татбиқ этиш ва мамлакатнинг инновацион ривожлантиришнинг стратегиясини ишлаб чиқиш;



ҳудудларнинг интеллектуал ва технологик салоҳиятини ошириш, илмий ва инновацион фаолият учун замонавий инфратузилмаларни шакллантириш;

илмий фаолиятга оид давлат дастурларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва уларнинг ижросини назорат қилиш;

илмий даражали кадрлар тайёрлаш тизимини мувофиқлаштириш;

ёшларни илмий ва инновацион фаолиятга жалб этишнинг самарали механизмларини жорий қилиш ва улар ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

илмий ва инновацион лойиҳаларни амалга оширишда инвестицияларни жалб этиш, хусусий сектор фаоллигини ошириш ва венчурга асосланган молиялаштиришни ривожлантириш;

инновацион ишланмалар асосида амалга ошириладиган лойиҳаларнинг молиявий, иқтисодий ва техник экспертизасини ўтказиш ва интеллектуал мулк объектларини татбиқ этиш учун зарур шароитларни таъминлаш;

иқтисодиётнинг реал сектори ва ишлаб чиқариш тармоқларининг илмий ишланма ва инновацияларга бўлган эҳтиёжларини аниқлаш ҳамда тармоқ илмий-тадқиқотлар ишларини ривожлантириш асосида илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини мустаҳкамлаш;

янги ишланмаларни тижоратлаштириш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш, стартап лойиҳаларини амалга ошириш, интеллектуал мулк қатнашадиган янги ташкилотларни шакллантириш ва рационализаторлик фаолиятини ривожлантириш учун зарур шарт-шароит яратиш;

илм-фан ва инновациялар соҳасида халқаро алоқаларни кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлаш, инновациялар ва технологиялар трансфери бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.

10. Вазирлик ўзига юклатилган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

*а) узоқ муддатли сценарийлар асосида устувор соҳа ва тармоқларни илм-фан ютуқлари ва инновациялар асосида ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш соҳасида:*

Глобал инновацион индекс ҳамда бошқа халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон ўрнини яхшилашга қаратилган “йўл хариталари”да белгиланган чора-тадбирларни мутасадди вазирлик ва идоралар томонидан ўз муддатида бажарилиши устидан тизимли мониторинг ишларини олиб боради;

халқаро молия институтлари экспертлари, маҳаллий илмий ташкилотлар ходимлари, тадбиркорлик субъектлари вакиллари, мутасадди вазирлик ва идораларнинг салоҳиятли мутахассисларини жалб қилган ҳолда инновацион ривожланишнинг ўрта ва узоқ муддатли стратегиясини ишлаб чиқади ва уни амалга оширишни ташкил этади;

инновацион ривожланиш стратегияси учун самарадорликни баҳоловчи мақсадли кўрсаткичлар (индикаторлар)га эришиш вазифалари бўйича таклифлар тайёрлайди;

илм-фан ва инновациялар соҳасидаги халқаро рейтингларда мамлакат мавқеини ошириш бўйича чора-тадбирларни тўлиқ ва самарали амалга оширишга тўсиқ бўлаётган тизимли камчиликларни аниқлайди, масъул вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда муаммоларни бартараф этиш бўйича ечим ва таклифлар ишлаб чиқади;

илм-фан ва инновациялар соҳасида рақамли технологияларни ривожлантириш бўйича илмий ва стартап лойиҳалар натижаларини соҳаларга самарали жорий этилиши юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

инновацион ривожланиш соҳасида рақамли технологиялар ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишнинг устувор йўналишларини белгилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

илм-фан ва инновация соҳасида рақамли технологияларни ривожлантириш бўйича илғор хорижий тажрибаларни ўрганади ва жорий этиш юзасидан тегишли таклифлар ишлаб чиқади;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, хусусан Давлат дастури, фаолият самарадорлиги индикаторлари ва бошқа стратегик вазифаларнинг бажарилишини ўз ваколати доирасида таҳлил қилади, мониторинг қилади ва натижалари бўйича таҳлилий маълумотлар тайёрлайди;

мамлакатни инновацион ривожлантириш, глобал индекслар ва халқаро рейтинглар, давлат ва жамият қурилишига илмий ишланмаларни жорий этишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ҳамда тематик лойиҳалар мавзулари бўйича таклифларни кўриб чиқиб, асосланган хулосалар тайёрлайди;

*б) ҳудудларнинг интеллектуал ва технологик салоҳиятини ошириш, илмий ва инновацион фаолият учун замонавий инфратузилмаларни шакллантириш соҳасида:*

ҳудудларда инновацион инфратузилмалар (трансфер ва инновация марказлари, кичик инновацион ташкилотлар, бизнес акселератор, бизнес-инкубаторлар, инновацион ва ёшлар технопарклари ва бошқалар)ни ташкил этишга, улар фаолиятини юритишга бевосита кўмаклашади;

ҳудудларни инновацион ривожлантириш концепциялари ва дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни мувофиқлаштиради, фундаментал, амалий ва инновацион илмий лойиҳаларга буюртмалар портфелига мувофиқ илмий фаолиятга ҳудудий дастурларни танловлар асосида шакллантиради ва амалга оширилишини мониторинг қилади;

ҳудуднинг иқтисодий ва инновацион рақобатбардошлигини оширишга йўналтирилган тадбирларни амалга ошириш, шу жумладан, импорт ўрнини



босувчи ва экспортга йўналтирилган инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқаришга илғор замонавий технологияларни жорий қилишга кўмаклашади;

ҳудудларнинг соҳа ва тармоқларига юқори технологияларга асосланган илмий ишланмаларни ва лойиҳаларни жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва амалга оширади;

ҳудудларда ташкил этилган инновацион инфратузилмалар, инновацион ва ёшлар технопарклари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, таълим муассасалари, илмий ташкилотлар, технологиялар ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш марказлари билан ҳамкорликда ҳудуддаги ёшларни интеллектуал, илмий, ижодий салоҳиятини оширишга шароит яратади;

ҳудудий иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжлари асосида илмий ишланмаларни тижоратлаштиришга ва технологиялар трансферини ташкил этишга кўмаклашади;

илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг ҳудудий узвий боғлиқлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни белгилайди ва амалга оширади;

ҳудудий илмий ишланмаларни яратиш, қўллаш ва оммалаштириш билан боғлиқ тизимли ишларни ташкил этади;

маҳаллий ахборот маконида илм-фан ва технологиялар асосларини, ютуқларини, шунингдек илм-фан ва илмий фаолият соҳасига оид тегишли тадбирларни тарғиб этишни тизимли равишда йўлга қўяди;

ҳудудий инфратузилмаларда ёшларнинг “стартап” лойиҳаларини ривожлантириш ва уларни амалга ошириш учун ягона майдон ташкил этиш орқали ҳудудларнинг инновацион салоҳиятини оширишга шароит яратади;

ҳудудий инновацион инфратузилмаларда етакчи компаниялар вакиллари, малакали мутахассислар ва экспертлар иштирокида тренинглар ва маҳорат дарслари, шунингдек, ёшларда амалий кўникмаларни шакллантириш ва ишлаб чиқарувчилар билан инновацион-корпоратив алоқаларни йўлга қўйиш мақсадида илмий-техник анжуманлар, семинар, тренинг ва ўқув курсларини ташкил этади;

илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг замонавий инфратузилмасини шакллантириш мақсадида илмий ташкилотларни замонавий илмий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш мақсадида уларнинг талабномасига асосан илмий лаборатория асбоб-ускуналари харидини белгиланган тартибда ташкил қилади;

ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга ҳамда қишлоқ ва сув хўжалигига янги ишланмаларни жорий этиш ва инновацион фаоллигини оширишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ҳамда тематик лойиҳаларга давлат буюртмаси бўйича таклифларни кўриб чиқиб, асосланган хулосалар тайёрлайди;

*в) давлат илмий дастурларини шакллантириш, тасдиқлаш ва уларнинг ижросини назорат қилиш соҳасида:*

давлат бошқаруви органлари томонидан хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари давлат буюртмасига киритиш учун иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг мавжуд муаммолари ва реал эҳтиёжлари бўйича тақдим этилган таклифларни чуқур таҳлил қилади ва мавжуд муаммоларни ҳал этишга қаратилган илмий-тадқиқот ишларига давлат буюртмасини шакллантириш бўйича белгиланган тартибда ва шаклда асосланган таклифлар тайёрлайди;

мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифалари, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда илмий-тадқиқот ишларига давлат буюртмасини шакллантиради;

илмий-тадқиқот ишларига давлат буюртмаси талабларига мувофиқ иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг мавжуд муаммоларининг илмий ечимини таъминлашга қаратилган илмий лойиҳалар танловларини ташкил этади;

илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасидаги фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар танловини ўтказади, илмий лойиҳаларни техник экспертизасини ташкил этади ҳамда илмий экспертиза жараёнини мувофиқлаштиради;

танловлардан муваффақиятли ўтган илмий фаолиятга оид давлат дастурлари ҳамда илмий фаолиятга оид давлат мақсадли дастурлари лойиҳаларини тасдиқланишини ташкил этади ва молиялаштиришга тавсия этади;

илмий-тадқиқот ишларига давлат буюртмаси бўйича бажариладиган илмий лойиҳаларнинг давлат рўйхатини юритади ва улар юзасидан ҳисоботларни қабул қилади;

илмий-тадқиқот ишларига давлат буюртмаси асосида бажариладиган фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳаларнинг тасдиқланган режага кўра бажарилишини, молиявий маблағларнинг мақсадга мувофиқ сарфланишини, белгиланган муддатларда ҳисоботлар тақдим этилишини ва олинган натижаларнинг самарадорлигини баҳолаш мақсадида мониторинг ўтказади;

республикада фаолият юритадиган илмий ташкилотларнинг илмий инновацион фаолиятини таҳлил қилади ва унинг натижаларига кўра илмий ташкилотларнинг миллий рейтингини ишлаб чиқади;

ёпиқ мавзудаги (махсус йўналишдаги) лойиҳалар бўйича давлат буюртмасини шакллантиради, танловлар натижаларига кўра лойиҳаларни тасдиқлайди ва молиялаштиради ҳамда бажарилаётган лойиҳаларнинг натижалари мониторингини амалга оширади;



хорижий давлатлар билан ҳамкорликда халқаро қўшма илмий лойиҳалар танловларини ташкил этади, танловлардан муваффақиятли ўтган лойиҳаларни молиялаштиради;

давлат илмий дастурларини шакллантиришга оид оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиб, асосланган хулосалар тайёрлайди;

*г) илмий даражали кадрларни тайёрлаш тизимини мувофиқлаштириш соҳасида:*

инсон капиталини ривожлантиришга қаратилган қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича таклифлар тайёрлайди;

олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш масалаларида тасарруфида илмий ташкилот ва олий таълим муассасаларига эга вазирлик ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштиради;

тизимда олий таълимдан кейинги таълимни амалга оширувчи илмий ташкилотлар ва олий таълим муассасаларига эга вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар билан биргаликда изланувчилар фаолиятининг самарадорлиги бўйича мониторинг олиб боради;

вазирликлар, идоралар, илмий ташкилот ва таълим муассасаларининг олий таълимдан кейинги таълимни мувофиқлаштирувчи ягона электрон тизимдан самарали фойдаланишларини таъминлайди, шунингдек ундан фойдаланиш бўйича услубий жиҳатдан раҳбарлик қилади;

илмий ва инновацион фаолиятини баҳолаш асосида олий таълим муассасаларининг рейтингини юритади ҳамда рейтинг натижаларига кўра олий таълим муассасаларининг илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор (директор ўринбосар)ларга нисбатан рағбатлантириш ёки интизомий жазоларни қўллаш ҳақида тақдимнома тайёрлайди;

олий таълим муассасалари ва илмий ташкилотлар раҳбарларининг (ректор, директор) илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор ва директор ўринбосарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод этиш бўйича тақдимномалар тайёрлайди;

барча олий таълим муассасалари илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректорларининг фаолияти натижадорлигини ошириш борасида уларнинг масъулиятини ошириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар белгилаш юзасидан ишлаб чиқилган "йўл хариталари"да белгиланган вазифаларнинг бажарилишини мунтазам танқидий муҳокама қилиб боради;

таълим, соғлиқни сақлаш, спорт ва маданият соҳаларини инновацион ривожлантиришга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ҳамда тематик лойиҳаларга давлат буюртмаси бўйича таклифларни кўриб чиқиб, асосланган хулосалар тайёрлайди.

*д) ёшларни илмий ва инновацион фаолиятга жалб этишнинг самарали механизмларини жорий қилиш ва улар ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш соҳасида:*

Ёшлар академияси аъзоларини қўллаб-қувватлаш, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, таълим муассасалари ва илмий ташкилотлар билан ҳамкорликда ёшларнинг интеллектуал, илмий ва ижодий салоҳиятини ошириш чораларини кўради;

илмий изланиш олиб боришни истаган иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, амалий ва инновацион тадқиқотлар ўтказиш учун имкониятлар яратиш ва янги авлод ёш олимларини тайёрлаш бўйича тизимли ишларни олиб боради, ёш олимларнинг илмий стажировкаларини ташкил этади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, илмий ташкилотлар ва таълим муассасалари билан ҳамкорликда илмий-тадқиқот ишлари ва инновацион фаолиятда қатнашаётган ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга кўмаклашади;

иқтидорли ва ташаббускор ёшлар бўйича ягона маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш бўйича Ёшлар академиясининг онлайн платформасини юритади ҳамда мунтазам янгилаб боради;

илмий-тадқиқотларни бажариш иштиёқига эга иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш чораларини кўради, уларни олий таълим муассасалари ва илмий ташкилотларнинг лаборатория базасидан фойдаланишлари учун зарур шарт-шароит яратади;

иқтидорли ва ташаббускор ёшларнинг амалий ва инновацион тадқиқотларни олиб боришлари учун имкон яратиш мақсадида лойиҳаларни шакллантиришда кўмаклашади;

илмий ишланмаларнинг ички ва ташқи бозорда рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида Ёшлар академияси аъзолари ҳамда иқтидорли ва ташаббускор ёшларга патентлаш, илмий ишланмаларни баҳолаш ва сертификатлаштиришда амалий ёрдам кўрсатади;

иқтидорли ва ташаббускор ёшлар томонидан ишлаб чиқилган илғор технологик ишланмалар асосида тажриба намуналарини яратиш ва тайёр маҳсулот босқичига олиб чиқиш учун зарур шарт-шароитларни таъминлайди;

Ёшлар академияси аъзолари, иқтидорли ёшлар ва ёш олимларнинг ташаббусларини соддалаштирилган механизмлар асосида рағбатлантириш чораларини кўради;

ёшларни илмий ва инновацион фаолиятга жалб этишнинг самарали механизмларини жорий қилиш ва улар ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ҳамда тематик лойиҳалар мавзулари бўйича таклифларни кўриб чиқиб, асосланган хулосалар тайёрлайди;

*е) илмий ва инновацион лойиҳаларни амалга оширишда инвестицияларни кенг жалб этиш, хусусий сектор фаоллигини ошириш ва венчурга асосланган молиялаштиришни ривожлантириш соҳасида:*



илм-фан ва инновацияларни молиялаштиришнинг янги механизмлари бўйича таклифлар ишлаб чиқади ва жорий этади;

илмий ва инновацион фаолиятга маблағлар, жумладан банклар ва молия институтларининг инвестициялари ва техник кўмак грантлар маблағларини жалб қилади;

тижорат банклари ва молия ташкилотлари билан илм-фан ютуқлари ва илмий ишланмаларни жорий этишга маблағлар жалб этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ва жорий этишга кўмаклашади;

илмий-инновацион ишланмалар ва лойиҳаларни венчур молиялаштиришни амалга ошириш бўйича комплекс ишларни амалга оширади;

мамлакатда венчур молиялаштириш учун узоқ муддатли ресурслар манбаси ҳисобланувчи институционал инвесторлар пайдо бўлишини таъминлаш мақсадида қўшимча рағбатлантиришларни яратишга ва мавжуд чекловларни бартараф этишга кўмаклашади;

илмий ва инновацион ишланмалар ва лойиҳаларни амалга ошириш учун хорижий венчур жамғармаларни ва институционал инвесторларни жалб қилиш чораларини кўради;

халқаро техник кўмак ва хорижий грантларни жалб қилиш бўйича халқаро ташкилотлар, хорижий ташкилотлар ва давлатлар билан музокаралар ўтказиш ҳамда ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан аниқ таклифлар тайёрлайди;

илм-фан соҳаси ва инновацион фаолиятга техник кўмак ва хорижий грантларни жалб қилиш ва амалга ошириш юзасидан доимий мониторинг олиб боради ҳамда тизимли ишларни мувофиқлаштиради;

илмий ва инновацион лойиҳаларни амалга оширишда инвестицияларни кенг жалб этиш, экспорт-импорт ва хусусий сектор фаоллигини ошириш ва венчурга асосланган молиялаштиришни ривожлантиришга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ҳамда тематик лойиҳаларга давлат буюртмаси бўйича таклифларни кўриб чиқиб, асосланган хулосалар тайёрлайди.

*ж) инновацион ишланмалар асосида амалга ошириладиган лойиҳаларнинг молиявий, иқтисодий ва техник экспертизасини ўтказиш ва интеллектуал мулк объектларини татбиқ этиш учун зарур шароитларни таъминлаш соҳасида:*

илмий ва стартап лойиҳаларни молиявий, иқтисодий ва техник экспертизасини ўтказади;

лойиҳаларга илова қилинган шаклларнинг тўлиқлиги ва тўғрилигини, зарур имзо, муҳр ва штампларнинг мавжудлигини текширади;

илгари топширилган лойиҳаларга ўхшаш ёки шу мавзуда бажарилган лойиҳаларнинг мавжудлиги ва уларнинг такрорланишини қиёсий таҳлил қилади;

тақдим этилган молиявий-иқтисодий ҳисоб-китобларнинг прогноз кўрсаткичлари асосида молиялаштириш ҳажмлари бўйича таклифлар беради;

тақдим этилган ҳужжатларда кўрсатилган маълумотларни, техник хатолар ва ноаниқликларни текширади;

тегишли соҳалардаги фан йўналишлари бўйича илмий-техник кенгашларга (ИТК) молиявий-техник экспертиза ва иқтисодий асослаш бўйича таклифлар тайёрлайди;

илмий-тадқиқот лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш жараёнига зарур ҳолларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг тегишли мутахассислари, шу жумладан хорижий экспертларни жалб этади;

ишлаб чиқариш ташкилотларида, давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмаларида интеллектуал мулк объектларини татбиқ этиш ва жорий қилиш бўйича зарур шарт-шароит яратишда иштирок этади;

маҳаллий илмий ишланмалар (ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, селекция ютуқлари ва бошқалар)га интеллектуал мулк ҳуқуқини тасдиқловчи халқаро патентлар, муаллифлик гувоҳномалари ёки бошқа ҳужжатларни олишга зарурий молиявий ва ташкилий шароитларни яратиш орқали кўмаклашади;

интеллектуал мулк объектига бўлган ҳуқуқни тасдиқлайдиган патент ва бошқа ҳужжатларни олиш тартиб-таомилларини соддалаштириш ва жадаллаштириш имконини берувчи қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этади;

лойиҳаларни молиявий-иқтисодий экспертизаси ва интеллектуал мулк объектларини татбиқ этишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ҳамда тематик лойиҳалар мавзулари бўйича таклифларни кўриб чиқиб, асосланган хулосалар тайёрлайди.

*з) иқтисодиётнинг реал сектори ва ишлаб чиқариш тармоқларининг илмий ишланма ва инновацияларга бўлган эҳтиёжларини аниқлаш ҳамда тармоқ илмий-тадқиқотлар ишларини ривожлантириш асосида илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини мустаҳкамлаш соҳасида:*

иқтисодиёт тармоқларининг илмий ишланма ва инновацияларга бўлган эҳтиёжларини аниқлаш, жаҳон бозорида рақобатбардош инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун қулай шарт-шароитлар яратиш орқали иқтисодиёт тармоқларини инновацион ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

иқтисодиёт тармоқларининг инновацион ривожланиш стратегияларини, дастурларини ва йўл хариталарини ҳамкорликда ишлаб чиқади ҳамда амалга ошириш чораларини кўради;



иқтисодиёт тармоқлари ташкилотларини инновацияларга бўлган эҳтиёжларини аниқлаш асосида илмий ишланмалар ва янги технологияларни жорий этиш юзасидан ташкилий чора-тадбирларни амалга оширади;

тармоқ ташкилотларида инновацион фаолиятга оид иқтисодий кўрсаткичларни таъминлаш ва яхшилашга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ўзаро ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўяди;

иқтисодиёт тармоқларининг инновацион фаолияти натижаларини таҳлил қилади ва келгусида ривожлантириш истиқболлари бўйича таклифлар тайёрлайди;

иқтисодиётнинг реал секторида инновацион ишланмаларни жорий қилишда уларнинг иқтисодий самарадорлигини мунтазам равишда мониторинг қилиб боради;

илмий-тадқиқот ишларига давлат буюртмасига киритиш учун иқтисодиётнинг устувор тармоқлари, жумладан ёқилғи-энергетика, геология, кон-металлургия, кимё саноати, экология, электротехника, гидрометеорология ва қурилиш материаллари саноати тармоқлари ташкилотларининг мавжуд муаммолари ва эҳтиёжларини таҳлил қилади ҳамда уларни ҳал этишга қаратилган илмий-тадқиқотлар бўйича асосланган таклифлар тайёрлайди;

қайта тикланувчи энергетикани ривожлантириш соҳасида муқобил ва экологик тоза энергия манбаи – “яшил” водородни ишлаб чиқариш, сақлаш ва қўллаш бўйича инновацион технологияларни яратиш ҳамда жорий этишни мувофиқлаштиради;

тармоқ ташкилотларига инновацияларни жорий этиш, янги технологияларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этишда давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш бўйича таклифларини ишлаб чиқади;

тармоқлар ва хусусий сектор ташкилотларида илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишлар тузилмаларини ташкил этишга кўмаклашади ҳамда тадқиқот ва тажриба-синов тузилмаларини ривожлантириш чораларини кўради, илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш асосида таклифлар тайёрлайди;

ишлаб чиқариш жараёнларини самарали ташкил этишга қаратилган янги ишланмаларни тармоқ ташкилотларида саноат даражасида синовларни ўтказишни ташкил этади;

тармоқ ташкилотларининг ишлаб чиқариш кўрсаткичлари асосида уларни инновацион ривожлантиришга қаратилган таҳлилларни амалга оширади ва ривожлантириш истиқболлари бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

бажарилаётган амалий ва инновацион лойиҳаларнинг тасдиқланган режага асосан белгиланган талабларга мувофиқ олинган натижаларнинг самарадорлигини баҳолаш мақсадида мониторинг жараёнида истеъмолчи иқтисодиёт тармоқлари вакилларининг иштирокини таъминлайди;

иқтисодиётнинг устувор тармоқлари, хусусан ёқилғи-энергетика, геология, кон-металлургия, кимё саноати тармоқларини инновацион ривожлантиришга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ҳамда тематик лойиҳалар мавзулари бўйича таклифларни кўриб чиқиб, асосланган хулосалар тайёрлайди;

*и) янги ишланмаларни тижоратлаштириш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш, стартап лойиҳаларини амалга ошириш, интеллектуал мулк қатнашадиган янги ташкилотларни шакллантириш ва рационализаторлик фаолиятини ривожлантириш учун зарур шарт-шароит яратиш соҳасида:*

илмий ишланмаларни қўллаган ҳолда яратилган товарларни (ишларни бажариш, хизматларни кўрсатиш) реализация қилиш ёки улардан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиш орқали тижоратлаштиришга кўмаклашади;

таъсисчиси ёки таъсисчиларидан бири устав жамғармасига улуш сифатида интеллектуал мулк объектини ёки технологияни киритган ташкилот (аффилланган ташкилот) бўлган тижорат ташкилотларини ташкил этиш орқали тижоратлаштиришга кўмаклашади;

республика иқтисодиётининг рақобатбардошлигини янада ошириш мақсадида илмий фаолият натижаларини жорий этиш механизмлари бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

юқори технологияли ва тижоратлаштириладиган маҳсулотларни ишлаб чиқиш мақсадида илмий ташкилотлар ва ишлаб чиқариш сектори ўртасида интеграцияни таъминлайди;

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотларга жорий этиладиган янги ишланмаларни молиялаштириш учун тавсия қилади;

илмий тадқиқотлар, ишланмалар ва интеллектуал фаолият натижаларини тижоратлаштиришни молиялаштиради, шунингдек, технологияларни трансфер қилишга кўмаклашади;

стартапларни шакллантириш ва ривожлантириш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга оширади;

стартап экотизимини ривожлантириш мақсадида хорижий давлатлар билан ҳамкорлик ўрнатади;

келгусида инкубация ва акселерация жараёнларини ташкил этишда кўмаклашиш ҳамда молиялаштириш билан боғлиқ бўлган истиқболли стартап лойиҳалар учун танловлар ташкил этади;

стартап лойиҳаларни молиялаштиришда ва иштирокчиларининг ҳуқуқий муносабатларини тартибга солишда иштирок этади;

интеллектуал мулк қатнашадиган инновацион бизнес, янги инновацион товарлар, технологик жараёнлар, ихтиролар ва рационализаторлик таклифларини қўллаб-қувватлаш ҳамда жорий этиш чораларини кўради;



ишлаб чиқариш ташкилотлар, давлат ва хўжалик бошқаруви органларида ихтирочилик ва рационализаторлик фаолиятини ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш ҳамда уларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш бўйича зарур шарт-шароит яратишда иштирок этади;

янги ишланмаларни тижоратлаштириш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш, стартап лойиҳаларини амалга ошириш, рационализаторлик фаолиятини ривожлантиришга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ҳамда тематик лойиҳалар мавзулари бўйича таклифларни кўриб чиқиб, асосланган хулосалар тайёрлайди.

*к) илм-фан ва инновациялар соҳасида халқаро алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, инновациялар ва технологиялар трансфери бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш соҳасида:*

Вазирликнинг хорижий алоқаларини ташкил этиш ва таҳлил қилиш, шу жумладан, хорижий шериклар билан ўзаро ҳамкорлик даражаси ва кўлами, уларнинг халқаро муносабатлар тизимидаги роли ва ўрнидан келиб чиқиб, вазирликнинг хорижий алоқаларда устувор йўналишларини ишлаб чиқади;

Ўзбекистон Республикасида инновацияларни кенг миқёсда жорий қилишда илм-фан салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг халқаро тажрибасини қўллаш мақсадида Глобал инновацион индексда юқори ўринларни эгаллаган хорижий мамлакатлар билан алоқаларни ўрнатиш, стажировкалар ташкиллаштириш, халқаро инновацион-инвестицион форумлар, конференциялар, давра суҳбатлари, тренинглар, маҳорат дарслари ва бошқа тадбирларни ўтказади;

манфаатдор давлат органлари ва ташкилотлари томонидан Вазирлик ваколатига тааллуқли бўлган масалалар бўйича халқаро ҳамкорлик соҳасида чет эллик шериклар билан келишувларга эришиш, шартномалар тузишни мувофиқлаштиради ва таъминлайди;

хорижий инвестициялар, грантлар, халқаро ва хорижий молия институтларининг маблағларини жалб қилиш мақсадида хорижий давлатлар, халқаро ва хорижий ташкилотлар, илмий фондлар вакиллари билан музокаралар олиб борилишини ва тегишли шартномалар имзоланишини таъминлайди;

Вазирлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича халқаро ҳамкорлик соҳасида хорижий шериклар билан музокаралар олиб бориш, тегишли шартномаларни тайёрлаш ва имзолашга кўмаклашади;

Вазирлик раҳбарияти ва таркибий бўлинмалари ходимларининг хорижий сафарларини ташкиллаштириш, расмийлаштириш (виза олиш) билан боғлиқ жараёнларни амалга оширади;

Вазирлик ваколати доирасида хорижий делегациялар билан учрашувлар, халқаро тадбирларни дипломатик протокол талаблари асосида ташкил этади;

республиканинг илм-фан ва инновациялар соҳасини ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида вазирликнинг фаолиятига тажрибали хорижий маслаҳатчилар ва мутахассисларни жалб қилади;

етакчи хорижий давлатлар, компаниялар ва илмий тадқиқот ташкилотлари билан технологиялар трансферини амалга оширишда кўмаклашади;

илм-фан ва инновациялар соҳасида халқаро алоқаларни ривожлантириш, технологиялар трансферини амалга оширишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ҳамда тематик лойиҳалар мавзулари бўйича таклифларни кўриб чиқиб, асосланган хулосалар тайёрлайди.

11. Вазирлик қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа вазифаларни ҳам бажариши мумкин.

## 2-§. Вазирлик марказий аппаратининг вазифалари ва функциялари

12. Қуйидагилар Вазирлик марказий аппаратининг асосий вазифалари ҳисобланади:

1) илмий ва инновацион фаолият соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширишни таъминлайди;

2) Вазирлик ҳамда унинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичлар, мақсадли индикаторлар, сифатга эришиш ва ривожлантириш дастурларини самарали амалга оширишни таъминлаш;

3) Вазирлик фаолияти соҳасига тегишли масалаларда вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорлик қилиш, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати йиғилишларида масалаларни муҳокама қилишда иштирок этиш;

4) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари, маслаҳатчилари топшириқларини ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажариш;

5) Вазирлик ходимларини тизимли қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш;

6) Вазирликнинг марказий аппарати ва ҳудудий бўлинмалари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини танқидий таҳлил қилиш, таҳлил натижаларига кўра зарур чора-тадбирларни кўриш;

7) Вазирлик ҳамда унинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари фаолиятига замонавий иш услубларини жорий этиш;

8) илмий ва инновацион фаолият соҳасида давлат хизматларини кўрсатиш самарадорлиги, сифати ва эркинлигини таъминлаш;



9) жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича ишларни самарали таъминлаш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш;

10) илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича мақсадли дастурлар, илмий ва инновацион фаолият соҳасидаги дастурий-услубий ва бошқа тартибга солувчи ҳужжатларни белгиланган тартибда тасдиқлаш;

11) илмий ва инновацион фаолият соҳасида халқаро ва давлатлараро ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, хорижий инвестициялар ва грантларни жалб этиш бўйича халқаро хорижий тадбирларда Вазирлик вакилларининг иштирокини таъминлаш;

12) Вазирлик ҳайъати қарорлари, Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазири (кейинги ўринларда – вазир) буйруқлари ва топшириқларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

13) таркибий бўлинмаларда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг касб маҳорати, чуқур билимга эгалиги, тажрибаси, ишчанлик ва одоб-аҳлоқ ҳамда маънавиятининг юқори даражаси кафолатланганлигини таъминлаш, уларнинг касбий малакасини ошириш чораларини кўриш, назоратдаги таркибий бўлинмаларда кадрлар захирасини шакллантириш;

14) илмий ва инновацион фаолият соҳасидаги илғор хорижий тажриба ва илмий-техник тараққиётда эришилган натижаларни ўрганишни ташкил этиш, илмий ва инновацион фаолиятни янада ривожлантиришда мазкур тажрибани жорий этиш;

15) илмий ва инновацион фаолият соҳасида халқаро семинарлар, анжуманлар, кўргазмалар ўтказилишини ташкил этиш ҳамда бошқа ташкилотлар ўтказадиган шу каби тадбирларда иштирок этишни таъминлаш.

13. Вазирлик марказий аппарати ўзига юклатилган асосий вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

Вазирлик ва унинг раҳбарияти фаолиятини ташкилий-назорат ва ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминлайди;

Вазирлик зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш доирасида таркибий бўлинмалар ва ҳудудий бошқармаларнинг келишилган холда ишлашини ҳамда қуйи ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлайди;

таркибий бўлинмалар, ҳудудий бошқармалар ва қуйи ташкилотларнинг фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштиришни ҳамда назоратини, шу жумладан уларнинг қонунчилик ҳужжатлари, идоравий ва идоралараро норматив ҳужжатларга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади;

топшириқлар ва қонунчилик ҳужжатлари ижросини таъминлаш юзасидан ҳамда ўз ташаббуси билан Вазирлик ваколатларига тааллуқли бўлган масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади;

Вазирлик ваколатига тааллуқли тезкор, ташкилий, кадрлар, молиявий, ишлаб чиқариш-хўжалик ва бошқа масалаларни ҳал қилади.

**3-§. Вазирлик ҳудудий бошқармаларининг вазифалари ва функциялари**

14. Вазирлик ҳудудий бошқармаларининг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

илмий фаолиятга оид ҳудудий дастурлар лойиҳаларини шакллантириш, тасдиқлаш, молиялаштириш ва мониторинг қилишни ташкил этиш;

ҳудудда илмий-инновацион фаолиятни ривожлантириш ва унинг замонавий инфратузилмасини яратишга кўмаклашиш;

ҳудудий иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжлари асосида технологиялар трансферини ташкил этиш;

ҳудуддаги илмий ва ишлаб чиқарувчи ташкилотлар, компанияларга илмий ишланмаларни тижоратлаштиришга кўмаклашиш;

илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг ҳудудий узвий боғлиқлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни белгилаш ва амалга ошириш;

ҳудудларнинг инновацион ривожланишининг истиқболли устувор стратегик йўналишлари, узоқ, ўрта ва қисқа муддатли инновацион ривожлантириш прогнозлари ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш стратегиялари, дастурларини ҳудуднинг салоҳиятини ва янги технологияларга асосланган маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

ҳудудий иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг мавжуд муаммолари ва реал эҳтиёжларини чуқур таҳлил қилиш ҳамда ҳудудий муаммоларни ҳал этишга қаратилган илмий-тадқиқотлар ва инновация ишлари бўйича белгиланган тартибда ва шаклда асосланган таклифлар ишлаб чиқиш;

тегишли вазирлик ва идораларнинг ҳудудий бўлинмалари, хўжалик бошқаруви органлари билан ҳамкорликда илм-фан ва инновацияларни ривожлантириш бўйича дастурларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва мувофиқлаштириш;

ҳудудлардаги олий таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш ва республика вилоятларида инновацион инфратузилмани барпо этиш учун уларнинг имкониятларини жалб қилиш;

ҳудуднинг табиий хом ашё ва меҳнат ресурсларини ҳамда "нисбий устунлиги"ни инобатга олган ҳолда инновацион ривожланишни таъминлашга қаратилган илмий ва инновацион фаолиятга оид ҳудудий дастурларни ишлаб чиқади ҳамда амалга ошириш;

янги ва талабгир маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) яратиш бўйича инновацион стартап лойиҳаларни ишлаб чиқишни ва илгари суришни,



шу жумладан ҳудудлардаги олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтларининг илмий салоҳиятидан фойдаланган ҳолда амалга ошириш;

инновацион маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) учун инвесторлар ва истеъмолчиларни излаш бўйича ишларни, жумладан инновацион инфратузилма субъектлари ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш орқали ташкил этиш;

инновацион лойиҳаларни амалга оширувчи ҳудудий инновация марказлари, стартап компаниялар, илмий доиралар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ўз ваколатлари доирасида услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш;

ҳудудий илмий ишланмаларни яратиш, қўллаш ва оммалаштириш билан боғлиқ тизимли ишларни ташкил этиш;

маҳаллий ахборот маконида илм-фан ва технологиялар асосларини, ютуқларини, шунингдек илм-фан ва илмий фаолият соҳасига оид тегишли тадбирларни тарғиб этишни тизимли равишда йўлга қўйиш.

15. Вазирликнинг ҳудудий бошқармалари ўзларига юклатилган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни бажаради:

а) ҳудуднинг устувор соҳа ва тармоқларни илм-фан ютуқлари ва инновациялар асосида ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш соҳасида:

Глобал инновацион индекс ҳамда бошқа халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон ўрнини яхшилашга қаратилган "Йўл хариталари"да белгиланган чора-тадбирларни мутасадди вазирлик ва идораларнинг ҳудудий тузилмалари томонидан ўз муддатида бажарилиши устидан тизимли мониторинг ишларини олиб бориш;

ҳудудий иқтисодиётни инновацион ривожланиш стратегиялари учун самарадорликни баҳоловчи мақсадли кўрсаткичлар (индикаторлар)га эришиш чораларини кўриш;

илм-фан ва инновациялар соҳасидаги халқаро рейтингларда мамлакат мавқеини ошириш бўйича чора-тадбирларни тўлиқ ва самарали амалга оширишга тўсиқ бўлаётган тизимли камчиликларни аниқлаш, масъул ҳудудий тузилмалар билан ҳамкорликда муаммоларни бартараф этиш бўйича ечим ва таклифлар ишлаб чиқиш;

илм-фан ва инновациялар соҳасида рақамли технологияларни ривожлантириш бўйича илмий ва стартап лойиҳалар натижаларини ҳудуд иқтисодиётига самарали жорий этилиши юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш.

б) илмий фаолиятга оид ҳудудий дастурларни шакллантириш, тасдиқлаш ва уларнинг ижросини назорат қилиш соҳасида:

вазирлик ва идораларнинг ҳудудий бошқармалари, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ҳудудий иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг мавжуд муаммолари ва реал

эҳтиёжлари бўйича тақдим этилган таклифларни чуқур таҳлил қилиш ва мавжуд муаммоларни ҳал этишга қаратилган илмий фаолиятга оид ҳудудий дастурларга буюртмалар бўйича белгиланган тартиб ва шаклда асосланган таклифлар тайёрлаш;

ҳудудий иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг мавжуд муаммоларининг илмий ечимини таъминлашга қаратилган ҳудудий илмий лойиҳалар танловларини ташкил этиш;

илмий фаолиятга оид ҳудудий дастурлар доирасидаги фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар танловини ўтказиш, илмий лойиҳаларнинг техник экспертизасини ташкил этиш ҳамда илмий экспертиза жараёнини мувофиқлаштириш;

танловлардан муваффақиятли ўтган илмий фаолиятга оид ҳудудий дастурлар лойиҳаларини тасдиқланишини ташкил этиш ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштиришга тавсия этиш;

илмий фаолиятга оид ҳудудий дастурлар доирасида бажариладиган илмий лойиҳаларнинг давлат рўйхатини юритиш ва улар юзасидан ҳисоботларни қабул қилиш;

илмий фаолиятга оид ҳудудий дастурлар доирасида бажариладиган фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳаларнинг тасдиқланган режага кўра бажарилишини, молиявий маблағларнинг мақсадга мувофиқ сарфланишини, белгиланган муддатларда ҳисоботлар тақдим этилишини ва олинган натижаларнинг самарадорлигини баҳолаш мақсадида мониторинг ўтказиш.

в) ҳудудларда илмий даражали кадрларни тайёрлаш тизимини мувофиқлаштириш соҳасида:

олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш масалаларида ҳудудий илмий ташкилот ва олий таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш;

ҳудудий олий таълимдан кейинги таълимни амалга оширувчи илмий ташкилотлар ва олий таълим муассасалари билан биргаликда изланувчилар фаолиятининг самарадорлиги бўйича мониторинг олиб бориш;

ҳудудий олий таълим муассасалари ва илмий ташкилотлар раҳбарларининг (ректор, директор) илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор ва директор ўринбосарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод этиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

г) ҳудудларда ёшларни илмий ва инновацион фаолиятга жалб этишнинг самарали механизмларини жорий қилиш ва улар ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш соҳасида:

ҳудудлардаги Ёшлар академияси аъзоларини қўллаб-қувватлаш, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, таълим муассасалари ва илмий ташкилотлар билан ҳамкорликда ёшларнинг интеллектуал, илмий ва ижодий салоҳиятини оширишга кўмаклашиш;



ҳудудларда илмий изланиш олиб боришни истаган иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, амалий ва инновацион тадқиқотлар ўтказиш учун имкониятлар яратиш ва янги авлод ёш олимларини тайёрлашга кўмаклашиш;

ҳудудлардаги иқтидорли ва ташаббускор ёшларнинг амалий ва инновацион тадқиқотларни олиб боришлари учун имкон яратиш мақсадида лойиҳаларни шакллантиришда кўмаклашиш.

д) ҳудудларда янги ишланмаларни тижоратлаштириш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш, стартап лойиҳаларини амалга ошириш, рационализаторлик фаолиятини ривожлантириш учун зарур шарт-шароит яратиш соҳасида:

ҳудудларда илмий ишланмаларни қўллаган ҳолда яратилган товарларни (ишларни бажариш, хизматларни кўрсатиш) реализация қилиш ёки улардан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиш усули орқали тижоратлаштиришга кўмаклашиш;

ҳудудларда таъсисчиси ёки таъсисчиларидан бири устав жамғармасига улуш сифатида интеллектуал мулк объектини ёки технологияни киритган ташкилот (аффилланган ташкилот) бўлган тижорат ташкилотларини ташкил этиш орқали тижоратлаштиришга кўмаклашиш;

давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмаларининг ҳудудий бошқармаларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ва бошқа ташкилотларга жорий этиладиган янги ишланмаларни молиялаштириш учун тавсия қилиш;

ҳудудий стартапларни шакллантириш ва ривожлантириш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш.

16. Ҳудудий бошқармалар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

17. Вазирлик ҳудудий бошқармалари белгиланган тартибда тузилиб, тасдиқланган харажатлар сметалари ва штат жадваллари Вазирлик томонидан рўйхатдан ўтказилади.

## 4-боб. Вазирлик ва унинг ҳудудий бошқармалари ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

### 1-§. Вазирликнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

18. Вазирлик ўзига юклатилган вазифаларни амалга оширишда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Вазирлик ваколатига кирувчи масалалар юзасидан давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва хўжалик бирлашмаларининг фаолиятини мувофиқлаштириш;

Вазирликка юклатилган вазифа ва топшириқларни бажариш билан боғлиқ бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва бошқа

ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ўрнатилган тартибда киритиш;

Вазирлик ваколатига кирувчи масалаларни ҳал қилиш мақсадида давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва хўжалик бирлашмалари, республиканинг чет элдаги дипломатик ва савдо ваколатхоналари, Марказий банк ва тижорат банкларидан тегишли маълумотларни ўрнатилган тартибда сўраш ва олиш;

инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни жорий этиш масалалари бўйича давлат бошқарув органлари, илмий-тадқиқот, ахборот-таҳлил муассасалари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

Вазирлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича зарур ахборотларни бепул асосда давлат статистика органларидан олиш;

Вазирлик ваколатига кирувчи масалалар юзасидан методик материаллар ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

илмий-тадқиқот ишларига давлат буюртмаси асосида илмий лойиҳалар ҳамда стартап лойиҳаларни танлаб олиш учун илмий-техник кенгашлар ҳамда танлов комиссияларини ташкил этиш ва танловлар эълон қилиш;

илмий тадқиқотларга ва стартап лойиҳаларга йўналтириш учун бюджет маблағларини тақсимлашда иштирок этиш;

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ва мутахассисларини жалб қилган ҳолда Вазирлик ваколатига кирувчи масалалар юзасидан ўрнатилган тартибда йиғилишлар чақириш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг топшириқларига мувофиқ халқаро ташкилотларда давлат манфаатларини ифода этиш ҳамда ўрнатилган тартибда ва халқаро ҳуқуқ меъёрлари асосида бошқа мамлакатларнинг инновацион ривожланиш масалалари бўйича масъул идоралари ҳамда илмий институтлари билан бевосита ёки уларнинг қуйи бўғин тузилмалари билан ҳамкорлик шартномаларини тузиш;

биноларга хизмат кўрсатиш, инвентарлар ва хўжалик ашёлари, автотранспорт, алоқа воситалари, ҳисоблаш, компьютер ва оргтехникаларни сақлаш ва фойдаланиш бўйича ишларни бажариш, дастурий таъминот сотиб олиш бўйича ўрнатилган тартибда шартномалар тузиш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлардаги илм-фан ва инновацияларни ривожланиш ҳолатини ўрганиш, инновацион фаолиятни такомиллаштириш бўйича таклифларни тўплаш ҳамда умумлаштириш;

инновацион фаолиятни унинг самарадорлик индикаторлари асосида баҳолаш, илғор технологияларни биринчи навбатда жорий этишни талаб қилувчи тегишли тармоқ ва соҳалар ривожланишининг асосий йўналишларини белгилаш;



ижтимоий-иқтисодий соҳа учун фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларни амалга ошириш борасида илмий-техник хизматлар кўрсатишга давлат топшириқларини шакллантириш;

илмий тадқиқотлар, ишланмалар ва технологиялар натижаларини тижоратлаштириш, шунингдек, технологияларни трансфер қилишга кўмаклашиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ёки Вазирлар Маҳкамасига норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари, шунингдек, Вазирлик ваколатига тааллуқли бўлган масалалар бўйича бошқа ҳужжатларни белгиланган тартибда киритиш;

Вазирлик, унинг таркибий бўлинма ва идоравий мансуб ташкилотлар ходимлари томонидан уларнинг тегишли соҳадаги фаолиятининг асосий кўрсаткичлари бўйича параметрлар бажарилиши ва белгиланган индикаторларга эришишни ҳисобга олган ҳолда уларни моддий-техника базасини яхшилаш, моддий рағбатлантириш тартиби, миқдорлари ва шартларини белгилаш;

Вазирлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича идоралараро тусдаги халқаро шартномаларни белгиланган тартибда тузиш;

илмий ва стартап лойиҳаларни экспертизадан ўтказиш, шунингдек, Вазирлик ваколатига кирадиган муаммоларни ҳал қилиш учун етакчи олимлар ҳамда давлат органлари ва ташкилотларининг юқори малакали мутахассисларидан иборат идоралараро илмий-техник, инновацион кенгашлар, шунингдек, фан ва технологиялар ривожланишининг муҳим йўналишлари бўйича эксперт гуруҳларини тузиш;

Вазирлик ваколатларига кирувчи масалаларни ҳал этиш учун илмий ташкилотлар, олим ва мутахассисларни, шу жумладан чет эллик мутахассисларни шартнома асосида ҳамда эксперт сифатида жалб қилиш;

илмий кадрлар тайёрлаш ва ходимлар малакасини ошириш бўйича идоравий илмий ҳамда ўқув марказлари, маслаҳат ва ахборот марказлари, илмий лабораторияларни белгиланган тартибда ташкил этиш;

республиканинг илмий-тадқиқот, таълим ва бошқа муассасалари томонидан амалга ошириладиган илмий фаолиятга оид давлат дастурлари ҳамда лойиҳалари буюртмаларининг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш;

инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни ҳисобга олган ҳолда тармоқ ҳамда ҳудудларни ривожлантиришнинг комплекс чора-тадбирлари ва дастурларини ишлаб чиқиш, шунингдек, уларни белгиланган тартибда тасдиқлашга киритиш;

Вазирлик, унинг таркибий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотларнинг моддий-техника базаси ҳамда ижтимоий инфратузилмасини яхшилаш чораларини кўриш;

Вазирликка юклатилган вазифаларни бажариш доирасида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, етакчи лойиҳа институтлари, илмий-таълим муассасаларининг юқори малакали мутахассислари, шунингдек, халқаро ташкилотлар, чет эл компаниялари ва мутахассисларини маслаҳатчи сифатида жалб қилиш.

Қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ Вазирлик бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

19. Вазирлик:

зиммасига юкланган вазифа ва функцияларнинг лозим даражада ҳамда самарали бажарилиши, шунингдек, тегишли соҳада давлат сиёсатининг амалга оширилиши;

тегишли соҳада фаолиятнинг асосий кўрсаткичлари бўйича параметрлар ва белгиланган индикаторларга эришишнинг сўзсиз таъминланиши;

жорий этилаётган илмий ишланмалар, инновациялар, ғоялар ва технологияларнинг, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган ҳамда Вазирлик томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларининг амалга оширилиши сифати, якуний натижалари ҳамда оқибатлари;

тегишли соҳани ривожлантириш ҳамда ҳудудларнинг муаммоли масалаларини ҳал этиш бўйича дастурлар, чора-тадбирлар режалари, "йўл хариталари" ва бошқа ҳужжатларнинг самарали амалга оширилиши;

фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига риоя этилиши ҳамда ҳимоя қилиниши учун жавобгардир.

### 2-§. Вазирликнинг ҳудудий бошқармалари ҳуқуқ ва мажбуриятлари

20. Вазирликнинг ҳудудий бошқармалари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

юклатилган вазифаларни сифатли амалга ошириш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, ҳокимликларнинг таркибий бўлинмалари, давлат бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмалари ҳамда бошқа ташкилотлардан маълумотлар сўраш ва олиш;

илм-фан ва инновацион ривожланиш масалалари бўйича давлат бошқаруви органлари, шунингдек, бошқа ташкилотларнинг ҳудудий бўлинмалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича тавсиялар бериш;

давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари ҳамда бошқа ташкилотларнинг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари ва масъул ходимлари иштирокида йиғилишлар ўтказиш;

давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари ҳамда бошқа ташкилотларнинг ҳудудий бўлинмалари, шунингдек илмий ташкилотларнинг



малакали мутахассисларини ахборот-таҳлилий материаллар ва дастурий ҳужжатларни тайёрлашга жалб қилиш.

21. Вазирликнинг ҳудудий бошқармалари қуйидагиларга мажбур:

қонунчилик ҳужжатлари, вазир ва унинг ўринбосарининг топшириқлари, шунингдек, ҳудудий бошқармага юклатилган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажариш ҳамда бажарилиши устидан таъсирчан назоратни амалга ошириш;

ҳудудларни ривожлантириш дастурларининг тегишли республика дастурлари ва тармоқларни ривожлантириш дастурларига узвий боғлаган ҳолда ўрнатилган тартибда ишлаб чиқилишини таъминлаш;

ҳудудларнинг илм-фан ва инновацион ривожланиш тенденциялари, ҳудудий ривожланиш дастурлари ва прогнозларининг ижроси тўғрисидаги объектив таҳлилий маълумотларни Вазирликка тақдим этиш.

## 5-боб. Вазирлик раҳбариятининг функционал мажбуриятлари

22. Қуйидагилар вазирнинг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этиш;

Вазирлик фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли ҳужжати, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан Вазирлик зиммасига юклатилган вазифа ҳамда функцияларнинг бажарилишини ташкил этиш;

Вазирлик ваколатига кирувчи масалалар юзасидан Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилган таклифлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқишда давлат манфаатларига қатъий риоя этилишини таъминлаш, тайёрланган ҳужжатлар лойиҳаларини тасдиқлаш, тегишли ҳужжатлар қабул қилингандан сўнг уларнинг бажарилиши устидан тизимли назоратни ташкил этишни таъминлаш;

Вазирлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳамда Вазирлар Маҳкамаси таркибий бўлинмалари, шунингдек, тегишли давлат органлари ва ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларида масалаларни кўриб чиқишда иштирок этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари ва маслаҳатчилари, юқори турувчи ташкилотлар топшириқларини ижро этиш;

Вазирлик фаолиятининг айрим йўналишлари ва бўлимларини, шунингдек, қуйи ташкилотларни бошқариш учун вазир ўринбосари

ва Вазирлик тизимидаги бошқа мансабдор шахсларнинг ваколатлари ва шахсий жавобгарлиги даражасини белгилаш;

ўз ваколати доирасида Вазирлик тизими ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;

Вазирлик марказий аппаратининг харажатлар сметаси ва ходимлар штат жадвалини белгиланган штатлар доирасида тасдиқлаш;

Вазирлик марказий аппарати, Вазирликнинг ҳудудий бошқармалари ҳамда тизимидаги ташкилотлар тузилмасига белгиланган штатлар доирасида ўзгартиришлар киритиш;

Вазирлик марказий аппарати таркибий бўлинмалари ва тизимидаги ташкилотлар тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш;

Вазирлик ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини ташкил этиш;

Вазирлик тизимида кадрларни танлаш, уларнинг самарали фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, Вазирликнинг кадрлар захирасини шакллантириш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, етакчи лойиҳа институтлари, илмий ва таълим муассасалари, халқаро ташкилотлар ва хорижий компанияларнинг юқори малакали мутахассисларини, шунингдек экспертларни консультант сифатида жалб қилиш;

малакали хорижий мутахассисларни ишга қабул қилиш ҳамда уларга тегишли иш ҳақи ва бошқа тўловларни белгилаш;

инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни жорий этишни назарда тутувчи дастурлар ҳамда чора-тадбирларнинг сифатли ишлаб чиқилишини ташкил этиш;

фаолият соҳаси масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари сифатли ишлаб чиқилишини, улар қонунчилик ҳужжатлари талабларига қатъий мувофиқ равишда ўз вақтида киритилишини ташкил этиш, уларнинг Вазирлар Маҳкамаси аппаратида пухта ишланишида, Вазирлар Маҳкамаси раҳбарияти ҳузурида ҳимоя қилинишида ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясида кўриб чиқилишида иштирок этиш;

Вазирлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, зарур ҳолларда, бошқа давлат органлари ва ташкилотлари билан биргаликда тегишли қарорлар қабул қилиш;

Вазирликка тақдим этилган таклифлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг тўлиқ ҳамда ҳар томонлама кўриб чиқилишини таъминлаш, уларни пухта ҳуқуқий, молиявий, иқтисодий ва бошқа экспертизадан ўтказиш, шунингдек, белгиланган муддатларда уларни келишиш (виза қўйиш);



Вазирлик раҳбарлари ва ходимлари хизмат сафарларини қонун ҳужжатлари талабларига тўлиқ мувофиқ равишда ташкил этиш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, сафар учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланилишини таъминлаш;

Вазирлик ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал қилиш, ўз ўринбосарини рағбатлантириш ҳамда интизомий жавобгарликка тортиш, шу жумладан, улар эгаллаб турган лавозимда қолиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиш бўйича таклифлар киритиш, уларнинг шахсий жавобгарлигини оширишга доир тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни талабларига мувофиқ коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш йўли билан улар содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

“Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш муддатларига қатъий риоя этилишини таъминлаш;

Вазирлик ва унинг идоравий мансублигидаги ташкилотлар ишини ташкил этишнинг замонавий шакллари жорий этилишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорликни, улар фаолиятида Вазирлик ходимлари ҳамда раҳбарларининг фаол иштирок этишини ташкил қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари ўз вақтида ҳамда тўлиқ кўриб чиқилишини таъминлаш;

давлат сири ҳисобланган маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш.

23. Қуйидагилар вазир ўринбосарининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя қилиш;

вазир вақтинча бўлмаганда тегишли буйруқ асосида унинг вазифаларини бажариш;

Вазирликнинг тасдиқланган тузилмасига мувофиқ Вазирликнинг тегишли бўлимларини бевосита бошқаришни амалга ошириш;

вазир ўринбосари номенклатурасига киритилган Вазирлик марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари раҳбарлари ва мутахассислари лавозимларига номзодларни вазир томонидан тасдиқлаш учун тақдим этиш;

вазир номенклатурасига киритилган таркибий бўлинмалар раҳбарларига қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, рағбатлантириш ва интизомий жазо чораларини қўллаш бўйича таклифлар киритиш;

мутасадди бўлинмаларда кадрлар захирасини шакллантириш ишларини тизимли асосда ташкил этиш;

мутасаддилик қиладиган идоравий мансуб бўлинмалар томонидан прогноз кўрсаткичларига эришишни сўзсиз таъминлаш бўйича таъсирчан чора-тадбирлар кўриш, бўлинмалар раҳбарлари ҳисоботларини мунтазам эшитиш ва қайд этилган кўрсаткичларга эришиш учун уларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда топшириқлари ижросини таъминлаш, мутасаддилик қиладиган идоравий мансуб бўлинмаларда ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни рўёбга чиқариш, шунингдек, улар раҳбарларининг топшириқлар ўз вақтида ва сифатли ижро этилиши учун шахсий жавобгарлигини ошириш чора-тадбирларини кўриш;

вазирлик ҳайъати қарорлари, вазирнинг буйруқ ва топшириқлари ўз вақтида ҳамда сифатли бажарилишини таъминлаш;

мутасаддилик қиладиган идоравий мансуб бўлинмалар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва дастурлар лойиҳалари сифатли ишлаб чиқилишини ташкил этиш, тайёрланган ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш ва улар кейинчалик вазир томонидан кўриб чиқиш ва имзолаш (виза қўйиш), улар қонунчилик талабларига қатъий мувофиқ равишда Вазирлар Маҳкамасига ўз вақтида киритилишини таъминлаш, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси Аппаратида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда Вазирнинг топшириғига биноан иштирок этиш;

Вазирликка тақдим этилган таклифлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тўлиқ ҳамда ҳар томонлама кўриб чиқиш, уларни пухта ҳуқуқий, молиявий, иқтисодий ва бошқа экспертизадан ўтказиш;

хизмат сафарларини қонун ҳужжатлари талабларига тўлиқ мувофиқ амалга ошириш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, сафар учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланилишини таъминлаш;

Вазирлик ваколатига тегишли бўлган масалалар бўйича фаолиятни такомиллаштиришга доир амалий чора-тадбирлар кўриш, қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда уларни Вазирлик раҳбариятига киритиш;



мутасаддилик қиладиган идоравий мансуб бўлинмалар раҳбарлари ва ходимлари томонидан давлат бошқаруви органлари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этилишини таъминлаш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг барча мурожаатларини ўз вақтида ҳамда тўлиқ кўриб чиқилишини таъминлаш;

давлат сирига киритилган маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш.

24. Қуйидагилар Вазирлик марказий аппарати таркибий бўлинмалари бошлиқларининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя қилиш;

таркибий бўлинма тўғрисидаги тасдиқланган низом доирасида аниқ йўналишлардаги вазифаларнинг юқори сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш;

таркибий бўлинмаларнинг фаолиятига бевосита раҳбарлик қилиш, мазкур бўлинмага юклатилган вазифа ва функцияларнинг бажарилишини ташкил этиш;

ўз ваколатлари доирасида Вазирликнинг идоравий мансуб ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари ва топшириқлари бажарилишини таъминлаш, таркибий бўлинмалар ходимлари томонидан ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни рўёбга чиқариш, шунингдек, қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун таркибий бўлинмалар ходимларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирларини кўриш;

Вазирлик ҳайъати қарорлари, вазир ва унинг ўринбосари буйруқ ҳамда топшириқлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

Вазирлик ваколати доирасига кирувчи тармоқлар, соҳалар ва ҳудудларни ривожлантириш ҳолатини сифатли баҳолашни олиб бориш, уларни янада ривожлантириш бўйича аниқ таклифлар ва амалга ошириш механизмларини Вазирлик раҳбариятига тақдим этиш;

инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни жорий этишни назарда тутувчи дастур ва чора-тадбирларни сифатли ишлаб чиқишни ташкил этиш;

таркибий бўлинмаларнинг йиллик иш режаларини ишлаб чиқишни таъминлаш, унда кўрсатилган вазифа ва тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

таркибий бўлинмага юклатилган вазифаларнинг бажарилишини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш, вазирликнинг идоравий мансуб ташкилотлари фаолиятига амалий ва методик ёрдам кўрсатиш;

таркибий бўлинмалар фаолияти масалалари бўйича қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни Вазирлик раҳбариятига кўриб чиқиш учун киритиш;

таркибий бўлинмаларда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда вазир ўринбосарига таклифлар тақдим этиш, уларнинг касб малакасини ошириш чораларини кўриш, бўлинмаларда кадрлар захирасини шакллантириш;

Вазирликка тақдим этилган таклифлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тўлиқ ва ҳар томонлама кўриб чиқиш, уларни пухта ҳуқуқий, молиявий, иқтисодий ва бошқа экспертизадан ўтказиш;

хизмат сафарларини қонунчилик ҳужжатлари талабларига тўлиқ мувофиқ равишда амалга ошириш, хизмат сафарлари асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, сафар учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланилишини таъминлаш;

таркибий бўлинмалар ходимлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини тизимли танқидий таҳлил қилиш, йиғилишларда уларнинг шахсий ҳисоботларини эшитиш, уларнинг якунлари бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш;

таркибий бўлинма ходимлари томонидан давлат бошқаруви органлари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этилишини таъминлаш;

"Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни талабларига мувофиқ бўлинмаларда коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш бўйича вазирлик раҳбариятига таклиф киритиш;

давлат хизматларининг самарадорлиги, сифатини ошириш ва улардан эркин фойдаланишни таъминлашга доир таклифларни вазирлик раҳбариятига киритиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, белгиланган муддатларда ва тартибда жисмоний шахсларни ва юридик шахслар вакилларини мунтазам равишда шахсан қабул қилиш, шу жумладан жойларга бориб қабул қилиш;



жисмоний ва юридик шахсларнинг, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасидан келиб тушган мурожаатларини ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқиш;

давлат сирига киритилган маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя қилиш.

25. Қуйидагилар Вазирликнинг таркибий бўлинмаси бошлиғининг функционал вазифалари ҳисобланади:

таркибий бўлинма тўғрисидаги тасдиқланган низом доирасида аниқ йўналишлардаги вазифаларнинг юқори сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш;

мутасадди тармоқлар, соҳалар ва ҳудудларни ривожлантириш ҳолатини сифатли баҳолашни олиб бориш ва уларни янада ривожлантириш бўйича аниқ таклифлар ва амалга ошириш механизмларини Вазирлик раҳбариятига тақдим этиш.

26. Қуйидагилар Вазирликнинг ҳудудий бошқармаси бошлиғининг функционал вазифалари ҳисобланади:

Вазирликнинг ҳудудий бошқармаси фаолиятини, жумладан бўлим бошлиқлари, мутахассисларининг юклатилган вазифа ва функцияларга мувофиқ ишларини ташкил этиш;

Вазирликнинг тегишли ҳудудлар бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш;

ҳудуднинг ривожланиш ҳолатини сифатли баҳолашни олиб бориш ва Вазирлик раҳбариятига уни янада ривожлантириш бўйича аниқ таклифлар ва амалга ошириш механизмларини киритиш;

Вазирликнинг ҳудудий бошқармасига ходимларни танлаш, рағбатлантириш ва бўлим ходимларига интизомий жазо қўллаш бўйича таклифлар киритиш;

белгиланган тартибда бошқа вазифаларни бажариш.

## 6-боб. Вазирлик раҳбарларининг жавобгарлиги

27. Вазир қуйидагилар учун масъул:

ушбу Низом ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган вазифаларни сифатли ва ўз муддатида бажариш, шунингдек, Вазирлик фаолиятидаги камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш;

амалга оширилаётган дастурлар, стратегиялар ва концепцияларнинг натижаларига, уларнинг мамлакат ва ҳудудларнинг инновацион ривожланишига эришиш;

Вазирликда, унинг таркибий ва ҳудудий бўлинмаларида ижро интизомига қатъий риоя қилиш.

28. Вазир ўринбосари қуйидагилар учун масъул:

мутасаддилик қиладиган вазирликнинг таркибий тузилмаси ва идоравий мансуб ташкилотларда вазирликка юклатилган вазифа ва функцияларнинг, амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг натижадорлиги ва самарадорлигини, шунингдек, ўз функционал вазифаларининг бажарилиши таъминлаш;

тегишли йўналишлар бўйича бажарилаётган топшириқларнинг натижадорлиги ва ўз муддатида бажарилишини таъминлаш;

мутасаддилик қиладиган вазирликнинг таркибий тузилмаси ва идоравий мансуб ташкилотлари орқали вазирлик ҳуқуқларини самарали амалга ошириш.

29. Марказий аппарат бўлинмаларининг раҳбарлари тегишли бўлинмага юклатилган вазифа ва функцияларнинг, шунингдек, ўз функционал вазифаларининг сўзсиз бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

30. Вазирликнинг ҳудудий бошқармалари бошлиқлари қонунчилик ҳужжатларини, Вазирлик раҳбариятининг топшириқларини ҳамда уларга юклатилган вазифа ва функцияларнинг ўз муддатида ва сифатли бажарилиши, тегишли ҳудудларни илм-фан ва инновацион ривожлантириш дастурларини белгиланган тартибда ишлаб чиқилишини таъминлаш, ҳудудларни ривожлантириш тенденциялари тўғрисидаги таҳлилий маълумотларни Вазирликка ўз вақтида тақдим этиш, ҳудудларни ривожлантириш бўйича юклатилган вазифаларнинг сифатли ва ўз муддатида бажарилишини таъминлаш учун шахсан жавобгардир.

## 7-боб. Вазирлик фаолиятини ташкиллаштириш

### 1-§. Вазирлик раҳбарияти

31. Вазирликка Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси маъқуллаганидан кейин киритилган Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланадиган ва лавозимидан озод этиладиган вазир бошчилик қилади.

Вазир ўз мақомига кўра Вазирлар Маҳкамасининг аъзоси ҳисобланади.

32. Вазир Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган ўринбосарга эга бўлади.

33. Вазир бўлмаган вақтда унинг ваколатлари ўринбосари томонидан бажарилади.

34. Қуйидагилар:

Вазирлик марказий аппарати ходимлари, идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарлари;



Қорақалпоғистон Республикаси инновацион ривожланиш бошқармаси бошлиғи ва ҳудудий бошқармаларининг бошлиқлари вазир томонидан лавозимига тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

### 2-§. Вазирликнинг марказий аппарати таркибий бўлинмаларининг унга идоравий мансуб ташкилотлар ва ҳудудий бошқармалар билан ўзаро ҳамкорлиги тартиби

35. Вазирлик марказий аппарати таркибий бўлинмаларининг унга идоравий мансуб ташкилотлар ва Вазирликнинг ҳудудий бошқармалари билан қуйидаги масалалар бўйича узвий ҳамкорликни амалга оширади:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Вазирлар Маҳкамаси, Вазирликнинг раҳбарияти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутатлари сўровларининг ўз вақтида бажарилишини, жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаатларнинг ўз муддатида кўриб чиқилишини таъминлаш;

Вазирликнинг идоравий мансуб ташкилотлари ва ҳудудий бошқармалари давлат бошқаруви органлари ҳамда хўжалик бирлашмаларининг бўлинмалари билан илм-фан ва инновацияларни ривожлантириш бўйича дастурларни ишлаб чиқишда ўзаро алоқаларини таъминлаш;

ҳудудларда илм-фанни ва инновацияларни ривожланиш динамикасининг тизимли мониторингини олиб бориш, ҳудудларни комплекс инновацион ривожлантириш дастурлари доирасида лойиҳалар ва тадбирларни амалга ошириш, уларни амалга оширишда тизимли муаммоларни аниқлаш, уларни ҳал этиш бўйича таклифларни ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқиш;

давлат органлари томонидан кўриб чиқиш ва келишиш учун тақдим этилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш ва улар бўйича хулосалар тайёрлаш;

Вазирлик марказий аппарати бўлинмаларининг унга идоравий мансуб ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш марказий аппарат таркибий бўлинмаларининг раҳбарлари томонидан амалга оширилади.

36. Вазирликнинг марказий аппарат бўлинмалари идоравий мансуб ташкилотлар ва ҳудудий бошқармалар билан ўзининг фаолият йўналиши бўйича ўзаро ҳамкорлик қилиб:

идоравий мансуб ташкилотларга ва ҳудудий бошқармаларга топшириқларни етказади ва уларнинг ижросини назорат қилади;

бўлинмаларнинг бевосита фаолиятига оид масалалар бўйича вазирликнинг идоравий мансуб ташкилотларига ва ҳудудий бошқармаларига сўровномалар юборади ва уларнинг ижросини назорат қилади;

мониторинг, ўрганишлар, зарурият туғилганда, ўз ваколати доирасида текширишлар ўтказади, Вазирликнинг идоравий мансуб ташкилотлар ва ҳудудий бошқармалар фаолиятини умумлаштиради, уни такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва қабул қилади;

Вазирликнинг идоравий мансуб ташкилотлари ва ҳудудий бошқармалари фаолиятини ташкил этиш ва натижалари ҳақидаги ҳисобот ва ахборот материаллари, статистик ва бошқа маълумотларни ўрганишни ташкил этади;

Вазирликнинг идоравий мансуб ташкилотлари ва ҳудудий бошқармалари иш режаларини таҳлил қилади, уларнинг фаолиятини режалаштиришни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни кўради;

Вазирликнинг идоравий мансуб ташкилотларидан ва ҳудудий бошқармалардан келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқади;

инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни жорий этишни назарда тутувчи дастур ва тадбирларни сифатли ишлаб чиқишда Вазирликнинг идоравий мансуб ташкилотлари ва ҳудудий бошқармалари иштирокини ташкил этади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда Вазирликнинг идоравий мансуб ташкилотлари ва ҳудудий бошқармалари иштирокини ташкил этади, қонунчиликни такомиллаштириш бўйича улардан келиб тушган таклифларни кўриб чиқади.

37. Вазирликнинг идоравий мансуб ташкилотлари ва ҳудудий бошқармалар Вазирликнинг марказий аппарати таркибий бўлинмалари билан ўзаро ҳамкорлик қилади, шу жумладан:

Вазирлик топшириқларининг ижроси тўғрисида ахборот беради;

бириктирилган соҳадаги қонунчилик ижроси юзасидан фаолият натижалари тўғрисида марказий аппаратга ахборот тақдим қилади;

уларнинг фаолиятини мониторинг, ўрганиш ва текшириш натижасида аниқланган ишдаги камчиликлар ва қонунбузилишларни бартараф этиш натижалари тўғрисида ахборот беради;

инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни жорий этишни назарда тутувчи дастурлар ва тадбирларни ишлаб чиқиш тўғрисида таклифлар киритади;

ўзининг иш натижалари тўғрисидаги ҳисоботларни, шунингдек, мавжуд муаммоларни ҳал этишга қаратилган таклифларни белгиланган тартибда ва муддатларда Вазирликнинг марказий аппаратига тақдим этади;

ваколатли органлар томонидан ўзининг фаолиятида ўтказилган текшириш натижалари тўғрисида хабардор қилади.



38. Вазирликнинг марказий аппарати таркибий бўлинмалари ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари ва ҳудудий бошқармаларининг ўзаро ҳамкорлик жараёнида келиб чиқадиган келишмовчиликлар вазирнинг топшириғи бўйича унинг ўринбосари томонидан кўриб чиқилади. Агар мазкур муҳокамадан кейин келишмовчиликлар тартибга солинмаган тақдирда, улар бўйича қарор бевосита вазир томонидан қабул қилинади.

### 3-§. Вазирликнинг ҳайъати, маслаҳат эксперт ва бошқа маслаҳат органлари

39. Вазирликда вазир (ҳайъат раиси), унинг ўринбосари, шунингдек, Вазирлик фаолиятининг асосий йўналишларини мувофиқлаштирувчи таркибий бўлинмалар ва тизимидаги ташкилотлар раҳбарларидан иборат таркибда ҳайъат тузилади.

Ҳайъат таркибининг сони ва шахсий таркиби вазир тақдимномасига биноан Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

40. Ҳайъат қуйидагилар билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқади:

мазкур Низом билан белгиланган Вазирлик фаолиятининг асосий йўналишларини тайёрлаш ва амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг вазифа ва топшириқларини сифатли бажариш;

Вазирликнинг бошқа давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва хўжалик бирлашмалари билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш;

Вазирлик тизими ходимлари ва раҳбарларининг қонунчилик ҳужжатларида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш учун шахсий жавобгарлигини ошириш чораларини кўрган ҳолда идоравий мансуб ташкилотлар ва ҳудудий бошқармалар раҳбарларининг ҳисоботлари мунтазам равишда эшитилишини ташкил қилиш;

Вазирлик фаолиятининг соҳалари бўйича дастурларнинг бажарилиши натижадорлигини мунтазам равишда, лекин ҳар чоракда камида бир марта кўриб чиқиш;

Вазирлик фаолиятига оид масалаларни жойида муҳокама қилишни таъминлаган ҳолда ҳайъатнинг кенгайтирилган сайёр мажлисларини ўтказишни ташкил этиш, шунингдек, юзага келган муаммоларни бартараф этиш бўйича тегишли қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари билан белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш учун Вазирлик раҳбарлари ва

ходимларининг ижро интизомини мустаҳкамлаш ҳамда шахсий жавобгарлигини ошириш.

Шунингдек, ҳайъат Вазирлик ваколатига кирадиган бошқа масалаларни кўриб чиқиш ҳуқуқига эга.

41. Ҳайъат мажлисига вазирлик ваколатларига кирадиган масалалар бўйича давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари таклиф этилиши мумкин.

42. Ҳайъат унинг мажлисида таркибининг ярмидан кўпи қатнашган тақдирда ваколатли бўлади. Кўриб чиқилаётган масалалар бўйича қарорлар оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

43. Ҳайъат қарорлари вазирнинг буйруқлари билан амалга оширилади.

44. Вазир ва ҳайъат аъзолари ўртасида келишмовчиликлар юзага келган тақдирда вазир юзага келган келишмовчиликлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига ахборот берган ҳолда мустақил равишда қарор қабул қилади. Ҳайъат аъзолари ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини Вазирлар Маҳкамасига хабар қилишлари мумкин.

45. Ҳайъат фаолиятининг тартиби ҳайъат томонидан тасдиқланадиган регламент билан белгиланади.

46. Вазирликда таркиби ва низомлари вазир томонидан тасдиқланадиган илмий-техник кенгаш, консультатив ва эксперт гуруҳлари ташкил этилади.

## 8-боб. Вазирлик фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш мезонлари

47. Вазирликнинг самарадорлиги мунтазам баҳоланиши лозим.

48. Вазирликнинг самарадорлиги ва натижадорлигига берилган баҳолар Вазирлик фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ва иш индикаторларига асосланади.

49. Вазирлик фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш якунлари бўйича:

Вазирлик раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш (мукофотлаш) ёки интизомий жавобгарликка тортиш;

Вазирлик фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва унинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари кўрилади.

50. Вазирлик фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш тартиби ва услубиёти қонунчилик ҳужжатларида белгиланади.



## 9-боб. Вазирлик фаолиятини молиялаштириш ва моддий-техник таъминлаш, унинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш

51. Вазирлик фаолиятини молиялаштириш ва моддий-техник жиҳатдан таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети, Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳамда қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

52. Илмий-техник ахборот маркази ҳамда Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйини молиялаштириш ва моддий-техник таъминлаш уларнинг хўжалик фаолиятидан тушган даромадларини инобатга олган ҳолда Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

53. Вазирлик, унинг ҳудудий бошқармалари ва тизим ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи лавозим маоши, мукофотлар, қўшимча ҳақлар, устамалар ва қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тўловлардан иборат.

Вазирлик, унинг ҳудудий бошқармалари ва тизим ташкилотлари ходимларининг лавозим маошларига Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ва бюджетдан ташқари бошқа манбалар ҳисобидан ҳар ойлик устамалар ва рағбатлантириш хусусиятига эга бўлган қўшимча ҳақлар тўлаш шартлари Вазирлик ҳайъати томонидан белгиланади ва вазир томонидан тасдиқланадиган низомга мувофиқ тўланади.

54. Вазирлик, унинг ҳудудий бошқармалари ва тизим ташкилотлари Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан қуйидаги миқдорда кўп йиллик ишлаганлик учун ҳар ойлик устама тўланади (рағбатлантириш коэффициентини инобатга олган ҳолда лавозим маошига нисбатан коэффициентларда):

2 йилдан 5 йилгача – 0,2;

5 йилдан 10 йилгача – 0,4;

10 йилдан 15 йилгача – 0,6;

15 йилдан 20 йилгача – 0,8;

20 йилдан 25 йилгача – 0,9;

25 йилдан юқори – 1,0.

Соҳада узоқ муддат хизмат қилгани учун устама олиш ҳуқуқини берувчи иш стажи Вазирлик томонидан тасдиқланадиган тартиб асосида амалга оширилади.

55. Вазирлик, унинг ҳудудий бошқармалари ва тизим ташкилотлари ходимларининг иш ҳақларини тўлаш ва моддий рағбатлантиришни амалга

оширишнинг манбаси бўлиб меҳнатга ҳақ тўлаш фонди, бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалари, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш махсус жамғармаси ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобланади.

56. Вазирлик ҳудудий бошқармалари фаолиятини сақлаш ва молиялаштириш (шу жумладан, моддий рағбатлантириш ва кўп йиллик хизматлари учун тўловларни амалга ошириш) Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб қувватлаш жамғармаси ҳисобидан амалга оширилади.

## 10-боб. Вазирликнинг Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти олдида ҳисобдорлиги

57. Вазир Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентига вазирликнинг фаолияти тўғрисида мунтазам равишда ҳисобот беради.

58. Вазирлар Маҳкамаси Вазирлик раҳбарлари фаолиятини уларга юклатилган вазифаларнинг самарали бажарилиши юзасидан доимий мониторинг қилади, Вазирлик фаолиятининг самарадорлигига холисона баҳо беради.

Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамаси билан ўзаро ҳамкорлик қилиш доирасида:

юклатилган вазифа ва функцияларни бажариш билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини белгиланган тартибда киритади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш учун давлат бошқаруви органлари билан биргаликда инновацион ривожланиш соҳасидаги муаммоларни ҳал этиш, соҳани янада ривожлантиришга қаратилган таклиф, тавсия ва таҳлилий маълумотлар тайёрланишини таъминлайди;

мамлакатнинг инновацион тараққиёти учун бирламчи зарур бўлган лойиҳаларни тайёрлаш, амалга ошириш ва самарадорлигини баҳолаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқади ва амалга оширади, инновацион ривожланиш стратегиясининг яқин, ўрта ва узоқ истиқболларидаги устувор йўналишларидан келиб чиқиб, аниқ таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади;

инновацион ривожланишнинг энг муҳим йўналишлари ва вазифаларини амалга оширишда мавжуд тизимли муаммо ва камчиликларни мунтазам равишда кўриб чиқилишини ташкил қилади;

белгиланган тартибда бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.



59. Мониторинг ва баҳолаш якунлари бўйича Вазирликнинг алоҳида ўрнак кўрсатган раҳбарлари, мансабдор шахслари ва ходимлари рағбатлантирилади ёхуд йўл қўйилган жиддий камчиликлар учун эгаллаб турган лавозимидан озод этилишигача бўлган чоралар кўрилади.

## 11-боб. Якунловчи қоида

60. Вазирликни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “27” августдаги 545-сон қарорига
2-илова

## Илмий ташкилотларнинг илмий ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи ходимлар штат нормативларини белгилаш ТАРТИБИ

1. Ушбу Тартиб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган илмий ташкилотларнинг (кейинги ўринларда – ташкилотлар) илмий ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи ходимлари штат нормативларини белгилайди.

2. Илмий ташкилотларнинг илмий ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи ходимлар сонининг штат нормативлари иловага мувофиқ белгиланади.

3. Штатлар жадвалини тасдиқлашда 0,5 штат бирлигидан ташқари тўлиқ бўлмаган ставкаларни ўрнатишга йўл қўйилмайди.

Тўлиқ бўлмаган ставка миқдорини яхлитлаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

0,25 гача бўлган барча штат бирликлари олиб ташланади;

0,25 дан 0,75 гача бўлган штат бирликлари – 0,5 штат бирлиги миқдорида яхлитланади;

0,75 дан юқори бўлган штат бирликлари – 1,0 штат бирлиги миқдорида яхлитланади.

4. Хизмат кўрсатувчи ва техник ходимларнинг лавозимларини жорий этиш тегишли иш шароитида, иш вақтидаги тўлиқ бандлигини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

5. Ижара ҳуқуқи асосида бино ва иншоотларда фаолият юритувчи ташкилотларда хизмат кўрсатувчи ва техник ходимлар лавозимлари жорий этилмайди ёки молия органлари билан (ижара шартномаси тақдим этилиши билан) келишилган ҳолда жорий этилади.

6. Мазкур Тартиб тадқиқот ядро реактори эксплуатация хизмати ходимлар сонини белгилашда қўлланилмайди.

Илмий ташкилотларнинг илмий ёрдамчи
ва хизмат кўрсатувчи ходимлар штат
нормативларини белгилаш тартибига
ИЛОВА

## Илмий ташкилотларнинг илмий ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи ходимлар сонининг штат нормативлари

| Т/р | Лавозимлар номи | Лавозим киритиш мезонлари |
|---|---|---|
| **I. Илмий ёрдамчи ходимлар** | | |
| 1 | Лаборант | Илмий фаолият билан шуғулланувчи ҳар бир лаборатория (бўлим) учун 1 штат бирлиги жорий этилади |
| 2 | Патент ва ихтиролар бўйича етакчи муҳандис (патентшунос) | Ҳар бир ташкилотда 1 штат бирлиги жорий қилинади (ташкилот тузилмасида тегишли лавозим кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно) |
| **II. Техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар** | | |
| 3 | Хўжалик мудири | Ташкилот балансида умумий майдони камида 10 000 кв.м бўлган лаборатория бинолари мавжуд бўлса, 1 штат бирлиги жорий этилади |
| 4 | Омборчи | Ташкилотда омборхона мавжуд бўлса, 1 штат бирлиги жорий этилади |
| 5 | Бинога комплекс хизмат кўрсатувчи ва таъмирловчи муҳандис | Ҳар бир ташкилотда 1 штат бирлиги жорий қилинади |
| 6 | Ускуналарга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича муҳандис | Илмий фаолият билан шуғулланувчи лаборатория ускуналар билан жиҳозланган ҳолларда ташкилотда 1 штат бирлиги жорий этилади |
| 7 | Техник | Илмий фаолият билан шуғулланувчи лабораторияда техник жиҳозлар мавжуд бўлса молия органлари билан келишилган ҳолда ташкилотда 1 штат бирлиги жорий этилади |
| 8 | АКТ бўйича техник | Ҳар бир ташкилотда 1 штат бирлиги жорий қилинади (намунавий тузилмада АКТ бўйича тегишли лавозим кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно) |
| 9 | Кутубхоначи | Кутубхонада камида 2 000 тадан иборат ҳисоб бирлиги бўлса (ихтисослаштирилган кутубхона ташкилотларидан ташқари) жорий этилади |
| 10 | Архивариус | Ҳар бир 250 варақли 6000 та иш ҳужжат учун 1 штат бирлиги (ихтисослашган архив ташкилотларидан ташқари) жорий этилади |
| 11 | Чилангар-сантехник | Ҳар бир ташкилотда 1 штат бирлиги жорий қилинади |
| 12 | Электромонтёр | Ташкилот балансида мавжуд ҳар 700 ёритиш нуқта (калит, розетка ва қути)га 1 штат бирлиги жорий этилади |
| 13 | Раҳбарнинг котиби | Ташкилот раҳбари учун 1 штат бирлиги жорий этилади |
| 14 | Иш юритувчи | Ташкилотда девонхона мавжуд бўлмаган ҳолларда 1 штат бирлиги жорий қилинади |

| | | |
|---|---|---|
| 15 | Ҳайдовчи | Ташкилот балансида мавжуд ҳар бир транспорт воситаси учун 1 штат бирлиги жорий этилади |
| 16 | Ишчи | Ишчиларнинг бошқа касбларида назарда тутилмаган ишларнинг ҳажми мавжуд бўлган шароитда молия органлари ва меҳнат органлари билан келишилган ҳолда жорий этилади |
| 17 | Фаррош | Ҳар 800 кв.м йиғиштириладиган майдон учун 1 штат бирлиги жорий этилади |
| 18 | Боғбон | Боғ, манзарали дарахтлар, яшил ўтлоқ ва гулзор боғи 0,5 гектардан 2 гектаргача бўлган майдонда 1 штат бирлиги, кейинчалик ҳар 2 га учун 1 штат бирлиги жорий этилади. *Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Академик Ф.Н. Русанов номидаги Ботаника боғи бундан мустасно бўлиб, молия органлари ва меҳнат органлари билан келишилган ҳолда ташкилотнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда жорий этилади. |
| 19 | Ҳовли супурувчи | Ҳар 2,5 минг кв.м супуриш майдонига 1 штат бирлиги жорий этилади. |
| 20 | Лифтчи | Лифт мавжуд бўлган ташкилотлар учун (лифт сонидан қатъи назар) 1 штат бирлиги жорий этилади. |
| 21 | Қоровул | Бир кеча-кундузли иш шароитида ташкилот учун 4 штат бирлиги, бир сменали (тунги навбатчилик) иш шароитида ташкилотнинг ҳар бир алоҳида биноси учун 3 штат бирлиги жорий этилади (Қўриқлаш хизматидан фойдаланувчи ташкилотлар бундан мустасно) |
| 22 | Қозонхона оператори (сменали) | Буғ ва иссиқ сув қозонлари учун автоматлаштирилмаган қозонхона бўлса, қозонхонадаги ишчилар сони иситиш мавсуми учун тегишли турдаги 1 қозонга (қозонхоналарнинг умумий сонидан келиб чиққан ҳолда) 1 штат бирлиги белгиланади. |

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “27” августдаги 545-сон қарорига
3-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

**1.** Вазирлар Маҳкамасининг “Илмий ходимлар меҳнатини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарорида:

а) 1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“1. Давлат бюджети маблағлари ҳисобига давлат илмий дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий ва раҳбар ходимларнинг базавий лавозим маошлари миқдорлари меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига нисбатан иловага мувофиқ коэффициентларда тасдиқлансин”.

б) 2-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Фанлар академияси ҳамда фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳаларни бажарувчи илмий, таълим ташкилотлари ҳамда бошқа ташкилотлар:”;

в) 3-банднинг биринчи ва учинчи хатбошиларидаги “илмий-техника дастурларини” сўзлари “давлат илмий дастурларини” сўзлари билан алмаштирилсин;

г) илова матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**“Давлат бюджети маблағлари ҳисобига давлат илмий дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий ва раҳбар ходимларнинг базавий лавозим маошлари миқдорлари**

| Т/р | Лавозимларнинг номи | 2021 йил 1 февралдан бошлаб меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига нисбатан коэффициентларда |
|---|---|---|
| **1.** | **Институт директори** | |
| | фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ва профессор илмий унвонига эга бўлган | 11,089 |

| | | |
|---|---|---|
| | фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ва катта илмий ходим ёки доцент илмий унвонига эга бўлган | 10,600 |
| | фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки профессор илмий унвонига эга бўлган | 10,189 |
| 2. | **Директорнинг илмий ишлар бўйича ўринбосари, институт ва бошқа илмий муассасалар филиалининг директори** | |
| | фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ва профессор илмий унвонига эга бўлган | 10,034 |
| | фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ва катта илмий ходим ёки доцент илмий унвонига эга бўлган | 9,520 |
| | фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки илмий унвонига эга бўлган | 8,748 |
| 3. | **Институтнинг илмий котиби, Илмий-тадқиқот лабораторияси (бўлими) мудири** | |
| | фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки профессор илмий унвонига эга бўлган | 9,983 |
| | фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ва катта илмий ходим ёки доцент илмий унвонига эга бўлган | 9,365 |
| | фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки катта илмий ходим ёки доцент илмий унвонига эга бўлган | 9,082 |



| | | |
|---|---|---|
| 4. | **Филиал ва бошқа илмий муассасалар директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари** | |
| | фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ва профессор илмий унвонига эга бўлган | 9,520 |
| | фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ва катта илмий ходим ёки доцент илмий унвонига эга бўлган | 9,082 |
| | фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки катта илмий ходим ёки доцент илмий унвонига эга бўлган | 8,413 |
| 5. | **Бош илмий ходим** | |
| | фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ва профессор илмий унвонига эга бўлган | 9,520 |
| | фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ва ёки катта илмий ходим ёки доцент илмий унвонига эга бўлган | 8,954 |
| | фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига эга бўлган | 8,542 |
| 6. | **Етакчи илмий ходим** | |
| | фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ва илмий унвонга эга бўлган | 8,053 |
| | фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига эга бўлган | 7,539 |

| | | |
|---|---|---|
| | фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки илмий унвонга эга бўлган | 6,870 |
| 7. | **Катта илмий ходим** | |
| | фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ва илмий унвонга эга бўлган | 7,024 |
| | фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки илмий унвонга эга бўлган | 6,612 |
| | илмий даражага ёки илмий унвонга эга бўлмаган (2 йилдан ортиқ илмий фаолият тажрибасига эга бўлган) | 6,046 |
| 8. | **Кичик илмий ходим** | |
| | фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки илмий унвонга эга бўлган | 6,201 |
| | илмий даражага ёки илмий унвонга эга бўлмаган (2 йилдан ортиқ илмий фаолият тажрибасига эга бўлган) | 5,789 |
| | илмий даражага ёки илмий унвонга эга бўлмаган (2 йилгача илмий фаолият тажрибасига эга бўлган) | 5,377 |
| 9. | **Стажер тадқиқотчи** | 4,760 |

Изоҳлар:

*Фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ва профессор илмий унвонига эга бўлган бош илмий ходимларнинг маоши фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ва катта илмий ходим ёки доцент илмий унвонига эга бўлган бош илмий ходимнинг базавий лавозим маоши даражасида белгиланади.*

*Илмий-тадқиқот лабораториялари (бўлими) мудирларининг ўринбосарларининг базавий лавозим маоши уларга берилган илмий даражалар ва унвонларга мувофиқ илмий-тадқиқот лабораториялари (бўлими) мудирларининг лавозим маошига нисбатан 5 фоизга камайтирган ҳолда белгиланади.*



*Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида лойиҳалар раҳбарлари лавозимлари ёки шунга ўхшаш лавозимлар назарда тутилган ҳолларда, ушбу лавозимларга илмий-тадқиқот бўлимлари мудирларининг базавий лавозим маошлари белгиланади".*

**2.** Вазирлар Маҳкамасининг "Республикада термитларга қарши курашиш ишларини жадаллаштириш ва уларнинг зарарини бартараф қилиш тўғрисида" 2012 йил 2 февралдаги 27-сон қарорининг 6-бандидаги "Давлат илмий-техника дастурларини" ва "Давлат илмий-техникавий дастурлари" сўзлари тегишлича "Давлат илмий дастурларини" ва "Давлат илмий дастурлари" сўзлари билан алмаштирилсин.

**3.** Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланиши соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирларни янада такомиллаштириш тўғрисида" 2015 йил 25 апрелдаги 102-сон қарорида:

а) 8-банднинг иккинчи хатбошисидаги "давлат илмий-техник дастурларини" ва "Соғлиқни сақлаш" сўзлари тегишлича "давлат илмий дастурларини" ва "Инновацион ривожланиш" сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-илованинг изоҳ қисми учинчи хатбошисидаги "Давлат илмий-техника дастурлари" сўзлари "Давлат илмий дастурлари" сўзлари билан алмаштирилсин.

**4.** Вазирлар Маҳкамасининг "Деҳқон хўжаликлари ва аҳолининг томорқа ерларидан самарали фойдаланиш, сувга чидамли, экспортбоп дарахт плантацияларини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2017 йил 4 мартдаги 119-сон қарори 12-бандининг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"12. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги Давлат илмий дастурларини шакллантиришда".

**5.** Вазирлар Маҳкамасининг "Республика хирургик ангионеврология ихтисослаштирилган маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида" 2017 йил 14 мартдаги 136-сон қарори 3-бандининг иккинчи хатбошисидаги "давлат илмий-техник дастурларини" сўзлари "Давлат илмий дастурларини" сўзлари билан алмаштирилсин.

**6.** Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 апрелдаги 220-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг уставида:

а) 25-банднинг биринчи хатбошисидаги "фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг давлат илмий-техник дастурлари" сўзлари "давлат илмий дастурлари" сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 42-банднинг учинчи хатбошисидаги "давлат илмий-техника дастурлари" сўзлари "давлат илмий дастурлари" сўзлари билан алмаштирилсин.

**7.** Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълимдан кейинги таълим тўғрисидаги низомда:

а) 4-банддаги “давлат илмий-техника дастурларини” сўзлари “давлат илмий дастурларини” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 8-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

Фан доктори бир вақтнинг ўзида тўрттадан кўп бўлмаган изланувчиларга илмий раҳбар ва консультант бўлиши мумкин. Сўнгги уч йилда изланувчилари ўз вақтида ҳимоя қилган илмий раҳбар ва илмий консультантларга илмий ёки таълим ташкилотларининг коллегиал органи хулосаси асосида олтитадан кўп бўлмаган изланувчилар бириктирилиши мумкин.

Илмий унвони бўлган фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) бир вақтнинг ўзида иккитадан кўп бўлмаган изланувчиларга илмий раҳбарлик қилиши мумкин. Сўнгги уч йилда изланувчилари ўз вақтида ҳимоя қилган илмий раҳбарларга таълим ёки илмий ташкилотнинг коллегиал органи хулосаси асосида учтадан кўп бўлмаган изланувчилар бириктирилиши мумкин.

Хорижий фуқароларга ёки фуқаролиги бўлмаган изланувчиларга ўрнатилган меъёрдан ортиқ илмий раҳбар ёки консультантлар тайинланиши мумкин.

в) 10-бандда:

биринчи хатбошидаги “илмий ташкилот ва таълим муассасалари” ва “илмий ташкилот ва таълим муассасалари” тегишлича “илмий ва таълим ташкилотлари” ва илмий ва таълим ташкилотлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги таҳрирдаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

Хорижий ёки нодавлат илмий ёки таълим ташкилотларига олий таълимдан кейинги таълим институтини очиш мазкур Низомнинг 9 ва 10-бандларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Бунда мазкур ташкилотларга қабул квотаси ушбу Низомнинг 13 ва 14-бандларига мувофиқ шакллантирилган умумий қабул квотаси доирасида ажратилади;

г) 14-бандда:

“илмий ташкилот ва таълим муассасалари” сўзлари “илмий ва таълим ташкилотлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги таҳрирдаги олтинчи – саккизинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Илмий ва таълим ташкилотлари аккредитациядан ўтган ихтисосликлар бўйича олий таълимдан кейинги таълим институтларининг самарадорлик кўрсаткичларига асосан тақсимланган қабул квоталаридан ортиб қолган



ўринлар ҳар йили 5 декабрга қадар Инновацион ривожланиш вазирлигига маълумот киритади.

Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳар йили 10 декабрга қадар ортиб қолган қабул квоталарини илмий ва таълим ташкилотларининг илмий даражали кадрларга бўлган эҳтиёжларини ҳисобга олиб қайтадан тақсимлайди.

Илмий ва таълим ташкилотларига қайта тақсимланган квоталар кириш имтиҳонларида қатнашиб, кириш балидан паст балл тўплаган талабгорларнинг баллари кетма-кетлигида амалга оширилади ва бу ҳақидаги маълумотлар ҳар йили 15 декабрга қадар Инновацион ривожланиш вазирлигига тақдим этилади”.

д) 25-банд қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Қабул комиссияси докторантурага кириш имтиҳонлари ва суҳбат жараёнларини видео кузатув остида (онлайн трансляция) ўтказиш чораларини кўради.

Таянч докторантурага кириш имтиҳонлари бўйича топшириладиган биринчи фан (мутахассислик ёки чет тили) умумий балининг 50 фоизидан кам балл тўплаган талабгорлар кейинги босқичга ўтказилмайди”;

е) 32-банд қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Стажёр-тадқиқотчи ва изланувчиларни бир илмий ёки таълим ташкилотидан бошқасига кўчиришга йўл қўйилмайди.

Қонунчиликда белгиланган тартибда тугатилган илмий ва таълим ташкилотларида таълим олган стажёр-тадқиқотчи ва изланувчилар тугатилган илмий ва таълим ташкилотларнинг ҳуқуқий вориси этиб белгиланган илмий ва таълим ташкилотларга ўқишни давом эттиришлари учун ўтказилади”.

**8.** Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 31 майдаги 331-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг уставида:

а) 10-банднинг тўртинчи хатбошисидаги “давлат илмий-техникавий дастурларини” сўзлари “давлат илмий дастурларини” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 11-банднинг “в” кичик бандида:

биринчи хатбошисидаги “давлат илмий-техникавий дастурларини” сўзлари “давлат илмий дастурларини” сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“истиқболли илмий тадқиқотларнинг илмий фаолиятга оид давлат ва бошқа дастурларни”.

**9.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтининг Андижон филиалини ташкил этиш тўғрисида” 2017 йил 26 июлдаги 544-сон қарорида:

а) 4-банднинг учинчи хатбошисидаги “давлат илмий-техника дастурлари” сўзлари “давлат илмий дастурлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) илованинг изоҳ қисми биринчи хатбошисидаги “Илмий-техник лойиҳаларни” сўзлари “Илмий лойиҳаларни” сўзлари билан алмаштирилсин.

**10.** Вазирлар Маҳкамасининг “Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманида “Ахсикент” археология мероси объектини муҳофаза қилиш ва тадқиқ этиш ёдгорлик мажмуасини ташкил этиш тўғрисида” 2017 йил 16 октябрдаги 831-сон қарорининг 9-бандидаги “давлат илмий-техник дастурлари доирасидаги илмий-техник лойиҳаларга” сўзлари “Давлат илмий дастурлари доирасидаги илмий лойиҳаларга” сўзлари билан алмаштирилсин.

**11.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи ва ҳудудлардаги олий таълим муассасалари тузилмасида Қатағон қурбонлари хотираси музейларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 22 ноябрдаги 936-сон қарорида:

а) 4-банднинг “а” кичик банди учинчи хатбошисидаги ва “б” кичик банди учинчи хатбошисидаги “давлат илмий-техник дастурларини” сўзлари “давлат илмий дастурларини” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 7-банднинг олтинчи хатбошисидаги “фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини” сўзлари “давлат илмий дастурларини” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 1-илованинг изоҳ қисмида иккинчи хатбошисидаги “Илмий-техник лойиҳаларни” сўзлари “Илмий лойиҳаларни” сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 4-илованинг 22-банди учинчи хатбошисидаги “давлат илмий-техника дастурларини” сўзлари “давлат илмий дастурларини” сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 5-илованинг 12-банди учинчи хатбошисидаги “давлат илмий-техник дастурларини” сўзлари “давлат илмий дастурларини” сўзлари билан алмаштирилсин.

**12.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги биносини қурилишини, шунингдек, инновацион ишланмаларни татбиқ этишнинг илмий-амалий маркази ва инновацион боғини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 6 апрелдаги 276-сон қарорининг 10 – 12-бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**13.** Вазирлар Маҳкамасининг “Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузурида Яримўтказгичлар физикаси ва микроэлектроника илмий-тадқиқот институтини ташкил этиш тўғрисида” 2018 йил 25 июндаги 468-сон қарорида:



а) 6-банднинг тўртинчи хатбошисидаги “давлат илмий-техника дастурларини” сўзлари “давлат илмий дастурларини” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) илованинг изоҳ қисми иккинчи хатбошисидаги “илмий-техника лойиҳаларни” сўзлари “илмий лойиҳаларни” сўзлари билан алмаштирилсин.

**14.** Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 июлдаги 500-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги тўғрисидаги низомнинг 10-банди “д” кичик банди иккинчи хатбошисидаги “давлат илмий-техник дастурларини” сўзлари “давлат илмий дастурларини” сўзлари билан алмаштирилсин.

**15.** Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 июлдаги 603-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисидаги низомнинг 4-бандининг иккинчи хатбошисидаги “давлат илмий-техника дастурларини” сўзлари “давлат илмий дастурларини” сўзлари билан алмаштирилсин.

**16.** Вазирлар Маҳкамасининг “Балиқчилик соҳасидаги илмий фаолиятни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 31 июлдаги 606-сон қарорида:

а) 3-банднинг учинчи хатбошисидаги “давлат илмий-техника дастурлари” сўзлари “давлат илмий дастурлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 4-банднинг иккинчи хатбошисидаги “давлат илмий-техник дастурларини” сўзлари “Давлат илмий дастурларини” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) иловада:

“I. Балиқчилик соҳасида илмий фаолиятни такомиллаштириш бўйича ташкилий тадбирлар” блоки 7, 8, 13-позицияларининг “Молиялаштириш манбалари” устунидаги “Давлат илмий-техник дастурларининг” сўзлари “Давлат илмий дастурларининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

“I. Балиқчилик соҳасида илмий фаолиятни такомиллаштириш бўйича ташкилий тадбирлар” блоки 8-позициясининг “Амалга ошириладиган тадбирлар” устунидаги “Давлат илмий-техник дастурлари” сўзлари “Давлат илмий дастурлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

“II. Хорижий мамлакатларнинг етакчи илмий-тадқиқот муассасалари билан халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш” блокининг 23-позицияси “Молиялаштириш манбалари” устунидаги “Давлат илмий-техника дастурлари” сўзлари “Давлат илмий дастурлари” сўзлари билан алмаштирилсин.

**17.** Вазирлар Маҳкамасининг “Инновацион фаолиятни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 11 сентябрдаги 721-сон қарорининг 3-банди қуйидаги таҳрирдаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Технопарк раҳбари мақоми ва тиббий хизмат кўрсатиш шартлари бўйича Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазири ўринбосарига тенглаштирилади”.

**18.** Вазирлар Маҳкамасининг “Инновацион ривожлантириш ва виночилик соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш манбаларини кенгайтиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 4 октябрдаги 792-сон қарорида:

а) 4-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида” 2021 йил 1 апрелдаги ПФ–6198-сон Фармони билан Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Белгилансинки, Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ижро этувчи дирекциясининг бошқарув ходимларига ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тариф коэффициентларига 1,7 ҳамда хизмат кўрсатувчи (техник) ходимларига 1,3 миқдорида оширувчи коэффициентлар қўлланилади”.

б) 5-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларидаги ҳамда 6-банддаги “Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини” сўзлари “Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни” сўзлари билан алмаштирилсин.

**19.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида ўрмон хўжалиги соҳасини янада ривожлантириш ва инновацион технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 11 октябрдаги 819-сон қарорида:

а) 7-банднинг тўртинчи хатбошисидаги “давлат илмий-техника дастурлари” сўзлари “давлат илмий дастурлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) илованинг изоҳ қисми учинчи хатбошисидаги “Илмий-техник лойиҳаларни” сўзлари “Илмий лойиҳаларни” сўзлари билан алмаштирилсин.

**20.** Вазирлар Маҳкамасининг “Инновацион ғоялар етакчиси” кўкрак нишонини таъсис этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 2 октябрдаги 786-сон қарорида:

а) 6-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“6. “Инновацион ғоялар етакчиси” кўкрак нишони билан мукофотланганларни тақдирлаш тадбирларини ташкил этиш, кўкрак



нишонлар ва уларнинг гувоҳномаларини тайёрлаш харажатлари Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланиши инобатга олинсин”;

б) 1-илованинг 15-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“15. Ўзбекистон Республикаси барча ҳудудларидан бир нафардан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазири томонидан тавсия этилган шахслар кўкрак нишони билан бир марта мукофотланади. Кўкрак нишони такроран берилмайди”.

**21.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурида Ёшлар инновация марказини ташкил этиш тўғрисида" 2018 йил 17 октябрдаги 832-сон қарорида:

а) 3-банднинг тўртинчи хатбошисидаги “фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг давлат илмий-техник дастурларини” сўзлари “Давлат илмий дастурларини” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 4-банднинг тўртинчи хатбошисидаги “илмий-техник лойиҳаларни” сўзлари “илмий лойиҳаларни” сўзлари билан алмаштирилсин.

**22.** Вазирлар Маҳкамасининг “Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 8 декабрдаги 997-сон қарорида:

а) 9-банднинг учинчи хатбошисидаги “давлат илмий-техника дастурлари” сўзлари “давлат илмий дастурлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-илованинг “II. Тадқиқот жараёнларининг ўқув-услубий таъминоти” блоки 4-позицияси “Амалга ошириш шакли” устунининг 3-бандидаги “давлат илмий-техник дастурлари” сўзлари “илмий фаолиятга оид давлат дастурлари ва илмий фаолиятга оид давлат мақсадли дастурлари” сўзлари билан алмаштирилсин.

**23.** Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалигини механизациялаш соҳасида илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 18 январдаги 45-сон қарори 4-бандининг учинчи хатбошисидаги “давлат илмий-техника дастурларини” сўзлари “давлат илмий дастурларини” сўзлари билан алмаштирилсин.

**24.** Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 февралдаги 94-сон қарори билан тасдиқланган Ноёб илмий объектларни аниқлаш, уларни сақлаш ва мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“2. Илмий фаолиятни самарали йўлга қўйиш учун алоҳида аҳамиятга эга, мамлакатда ягона бўлган, илмий изланишларда фойдаланилаётган, тегишли соҳада мукаммал изланишлар олиб бориш имконини берадиган

ҳамда мазкур Низомда белгиланган тартибда ноёб илмий объектлар рўйхатига киритилган илмий асбоб-ускуналар, нодир тўпламлар ва бошқа камёб объектлар ноёб илмий объект саналадилар";

б) 18-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"18. Ўз бўйсунувида ноёб илмий объект бўлган ташкилот раҳбари уни ишчи ҳолатда сақлаш, унга зарур хизматларни кўрсатиш, ундан унумли фойдаланиш, ажратилган молиявий маблағнинг самарали ва мақсадли сарфланиши, шунингдек ноёб илмий объект бўйича илмий ва молиявий ҳисоботларнинг Инновацион ривожланиш вазирлигига топширилиши учун жавобгардир";

в) 3-илованинг 6.4-кичик бандидаги "давлат илмий-техника дастурлари" сўзлари "давлат илмий дастурлари" сўзлари билан алмаштирилсин.

**25.** Вазирлар Маҳкамасининг "Қизилмия ва бошқа доривор ўсимликларни етиштириш ҳамда саноат усулида қайта ишлашни самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2019 йил 15 февралдаги 138-сон қарорининг 14-бандидаги "давлат илмий-техник дастурларини" сўзлари "давлат илмий дастурларини" сўзлари билан алмаштирилсин.

**26.** Вазирлар Маҳкамасининг "Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2019 йил 28 мартдаги 258-сон қарорида:

1-банднинг тўртинчи хатбошисидаги "давлат илмий-техника дастурлари" сўзлари "давлат илмий дастурлари" сўзлари билан алмаштирилсин;

илованинг "III. Илмий-инновацион ва халқаро ҳамкорлик фаолиятини такомиллаштириш" блоки 10-позициясининг "Чора-тадбир номи" ва "Амалга ошириш механизми" устунларидаги "Давлат илмий-техника дастурлари" сўзлари "Давлат илмий дастурлари" сўзлари билан алмаштирилсин.

**27.** Вазирлар Маҳкамасининг "Шоличилик илмий-тадқиқот институти Хоразм филиалини ташкил этиш тўғрисида" 2019 йил 17 апрелдаги 327-сон қарорида:

а) 6-банднинг иккинчи хатбошисидаги "давлат илмий-техника дастурларини" сўзлари "давлат илмий дастурларини" сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-илованинг изоҳ қисмидаги "Илмий-техника лойиҳаларни" сўзлари "Илмий лойиҳаларни" сўзлари билан алмаштирилсин;

2-иловада "Шоличилик соҳасини ривожлантириш бўйича амалий тадқиқотлар, инновацион ишлар олиб бориш" блоки 1-банди "Молиялаштириш манбалари" устунининг 1-бандидаги "Давлат илмий техник



дастурларига" сўзлари "Давлат илмий дастурларига" сўзлари билан алмаштирилсин.

**28.** Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги 470-сон қарори билан тасдиқланган Давлат таълим муассасалари ҳамда нодавлат таълим ташкилотларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"1. Ушбу Низом "Таълим тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ идоравий мансублиги ва ташкилий-ҳуқуқий шаклларидан қатъи назар Ўзбекистон Республикасининг мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар, мактабдан ташқари, олий, олий таълимдан кейинги таълимни амалга оширувчи илмий ва таълим ташкилотлари, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш давлат таълим муассасаларини ҳамда нодавлат таълим ташкилотларини (кейинги ўринларда – таълим ташкилотлари) аттестациядан ва давлат аккредитациясидан (кейинги ўринларда – аккредитация) ўтказиш тартибини белгилайди".

б) 15-банднинг тўртинчи ва бешинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим ташкилотларида – 10 иш кунигача;

олий таълим ташкилотлари, шунингдек, олий таълимдан кейинги таълимни амалга оширувчи илмий ва таълим ташкилотларида – 12 иш кунигача";

в) 17-банднинг олтинчи кичик банди биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"олий таълимдан кейинги таълимни амалга оширувчи илмий ва таълим ташкилотларида";

г) 26 ва 27-бандларнинг биринчи хатбошиларидаги "таълимни амалга оширувчи таълим ташкилотлари ва олий таълимдан кейинги таълимни амалга оширувчи илмий ва таълим ташкилотларини" сўзлари "олий таълимдан кейинги таълимни амалга оширувчи илмий ва таълим ташкилотлари, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим ташкилотларини" сўзлари билан алмаштирилсин;

е) 48-банддаги "илмий ташкилот ва таълим муассасалари" сўзлари "илмий ва таълим ташкилотлари" сўзлари билан алмаштирилсин;

ж) 50-банддаги "илмий ташкилот ва таълим муассасаларининг" сўзлари "илмий ва таълим ташкилотларининг" сўзлари билан алмаштирилсин;

з) 51-банднинг иккинчи хатбошисидаги "илмий ташкилот ва таълим муассасалари" сўзлари "илмий ва таълим ташкилотлари" сўзлари билан алмаштирилсин;

и) 52-банддаги "илмий ташкилот ва таълим муассасалари" сўзлари "илмий ва таълим ташкилотлари" сўзлари ҳамда "олий ўқув юртидан" сўзлари "олий таълимдан" сўзлари билан алмаштирилсин;

к) 53-банддаги "олий таълим ташкилотлари ва илмий-тадқиқот муассасаларини" сўзлари "илмий ва таълим ташкилотларини" сўзлари ҳамда "олий таълим ташкилотлари ёки илмий-тадқиқот таълим муассасалари" сўзлари "илмий ёки таълим ташкилотлари" билан алмаштирилсин.

**29.** Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 июндаги 531-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш марказининг устави 21-бандининг бешинчи хатбошисидаги "давлат илмий-техникавий дастурлари" сўзлари "давлат илмий дастурлари" сўзлари билан алмаштирилсин.

**30.** Вазирлар Маҳкамасининг "Сирдарё вилоятида Бизнес-акселератор ўқув-амалий маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида" 2019 йил 30 июндаги 545-сон қарорида:

а) 1-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"1. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги,

Савдо-саноат палатаси ва Сирдарё вилояти ҳокимлигининг Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Инновацияларни жорий қилиш ва технологиялар трансфери миллий офиси муассислигида масъулияти чекланган жамият шаклида "Бизнес-акселератор ўқув-амалий маркази"ни (кейинги ўринларда – Марказ) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин";

б) 4-банд қуйидаги таҳрирдаги олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

"Марказнинг хўжалик фаолиятидан тушадиган даромадларини ҳисобга олган ҳолда Инновацияларни жорий қилиш ва технологиялар трансфери миллий офисининг бюджетдан ташқари маблағлари".

**31.** Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 июлдаги 571-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тўғрисидаги низомнинг 11-банди "д" кичик бандининг бешинчи хатбошисидаги "давлат илмий-техник дастурларни" сўзлари "давлат илмий дастурларини" сўзлари билан алмаштирилсин.

**32.** Вазирлар Маҳкамасининг "Республикада куёнчилик соҳасидаги илмий фаолиятни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2019 йил 2 августдаги 647-сон қарорида:

а) 5-банднинг иккинчи хатбошисидаги "давлат илмий-техник дастурларини" сўзлари "давлат илмий дастурларини" сўзлари билан алмаштирилсин;



б) 6-банддаги "давлат илмий-техник дастурларини" ва "грантлар" сўзлари тегишлича "давлат илмий дастурларини" ва "маблағлар" сўзлари билан алмаштирилсин.

**33.** Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳузуридаги Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2019 йил 17 августдаги 686-сон қарорида:

а) 4-банднинг тўртинчи хатбошисидаги "давлат илмий-техникавий дастурларини" сўзлари "давлат илмий дастурларини" сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 10-банднинг иккинчи хатбошисидаги "мақсадли илмий-техникавий дастурларни" сўзлари "илмий фаолиятга оид давлат мақсадли дастурларни" сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 2-илованинг "IV. Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институтининг илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этиш" блоки 20-позициясининг "Амалга ошириш механизми" устунидаги "мақсадли илмий-техникавий дастурларни" сўзлари "илмий фаолиятга оид давлат мақсадли дастурларни" сўзлари билан алмаштирилсин.

**34.** Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Уруғчиликни ривожлантириш маркази фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2019 йил 5 сентябрдаги 733-сон қарори 8-бандининг биринчи хатбошисидаги "давлат илмий-техник дастурлар лойиҳалари юзасидан" сўзлари "давлат илмий дастурлари доирасида" сўзлари билан алмаштирилсин.

**35.** Вазирлар Маҳкамасининг "Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2019 йил 23 сентябрдаги 797-сон қарорида:

а) 2-илованинг 6-позицияси "Фаолиятни баҳолаш мезонлари" устунидаги "Давлат илмий-техник дастурлари" сўзлари "Давлат илмий дастурлари" сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 4-иловага илованинг "II. Илмий-тадқиқот фаолияти (35 балл)" блоки 13-позициясининг "Кўрсаткичлар" устунидаги "Давлат илмий-техника дастурлари" сўзлари "Давлат илмий дастурлари" сўзлари билан алмаштирилсин.

**36.** Вазирлар Маҳкамасининг "Андижон вилоятида инновацион технологиялар трансферини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2019 йил 21 октябрдаги 884-сон қарорида:

а) 1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"1. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Андижон вилояти ҳокимлигининг Ўзбекистон Республикаси Инновацион

ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Инновацияларни жорий қилиш ва технологиялар трасфери миллий офиси муассислигида масъулияти чекланган жамият шаклида "Андижон тажриба-кўргазма майдони"ни (кейинги ўринларда – Кўргазма майдони) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин";

б) 5-банд қуйидаги таҳрирдаги "в" кичик банд билан тўлдирилсин:

"в) фаолияти ва сақлаш харажатлари қуйидаги манбалар ҳисобидан қопланади:

Кўргазма майдонининг хўжалик фаолиятидан тушадиган даромадларини ҳисобга олган ҳолда Инновацияларни жорий қилиш ва технологиялар трансфери миллий офисининг бюджетдан ташқари маблағлари;

халқаро молия ва бошқа институтлар кредитлари, хорижий ташкилотларнинг грантлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар".

**37.** Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 ноябрдаги 924-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси фаолиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисидаги низомнинг 8-банди тўққизинчи хатбошисидаги "давлат илмий-техник дастурлари" сўзлари "Давлат илмий дастурлари" сўзлари билан алмаштирилсин.

**38.** Вазирлар Маҳкамасининг "Шоличиликни барқарор ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2019 йил 12 декабрдаги 986-сон қарорининг 19-банди иккинчи хатбошисидаги "давлат илмий-техника дастурларини" сўзлари "илмий фаолиятга оид давлат дастурлари ва илмий фаолиятга оид давлат мақсадли дастурларини" сўзлари билан алмаштирилсин.

**39.** Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ёнғин хавфсизлиги ва фавқулодда вазиятлар муаммолари илмий-тадқиқот институтининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида" 2019 йил 18 декабрдаги 1011-сон қарорида:

а) 5-банднинг тўртинчи хатбошисидаги "Давлат илмий-техника дастурларини" сўзлари "Илмий фаолиятга оид давлат дастурлари ва илмий фаолиятга оид давлат мақсадли дастурларини" сўзлари билан алмаштирилсин;

б) илованинг "II. Ёнғин хавфсизлиги ва фавқулодда вазиятлар муаммолари соҳасида илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш" блоки 4-позициясида:

"Чора-тадбирлар" устунидаги "Давлат илмий-техника дастурлари" сўзлари "Илмий фаолиятга оид давлат дастурлари ва илмий фаолиятга оид давлат мақсадли дастурларини" сўзлари билан алмаштирилсин;



"Молиялаштириш манбалари" устунидаги "Давлат илмий-техника дастурларини" сўзлари "Илмий фаолиятга оид давлат дастурлари ва илмий фаолиятга оид давлат мақсадли дастурларини" сўзлари билан алмаштирилсин.

**40.** Вазирлар Маҳкамасининг "Илм-фан ва таълим соҳасидаги давлат ташкилотларида илмий, илмий-педагогик ва меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи илмий даражага эга ходимларга қўшимча ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида" 2019 йил 24 декабрдаги 1030-сон қарорида:

а) 3-банднинг "а" кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"а) қўшимча ҳақ ушбу қарорга мувофиқ тегишли мезонларни бажарилишини баҳолаш натижалари бўйича ҳамда таркибий бўлинма раҳбарининг ишчи комиссияга тақдимномаси ва ташкилот коллегиал органи қарори асосида ҳар бир ходимнинг илмий-педагогик ва меҳнат фаолиятига қўшган аниқ ҳиссасини ҳисобга олган ҳолда белгиланади";

б) 4-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"4. Ташкилотнинг коллегиал органи (кейинги ўринларда – коллегиал орган) ушбу Низомга мувофиқ муайян мезонлар асосида ишчи комиссия мажлисининг хулосасига кўра ходимга қўшимча ҳақ миқдори ва тўлов даврини белгилаш тўғрисида қарор қабул қилади.

Бунда, коллегиал орган ходимга белгиланган қўшимча ҳақ миқдорининг тўғри белгиланишига жавобгар ҳисобланади";

в) 5-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"5. Тизимида ташкилотлар мавжуд бўлган вазирлик ва идоралар Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда";

г) 1-иловада:

5-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"5. Қўшимча ҳақ ходим томонидан мазкур Низомда кўрсатилган мезонлар бўйича бажарган ишлари учун белгиланади";

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

"Ходимнинг тегишли илмий даражага эга бўлмаган даврининг фаолият натижалари ҳисобга олинмайди";

6-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"6. Қўшимча ҳақнинг бир марталик ёки ойлик шакли жорий йилда охирги 12 ой давомидаги (календарь йил якунлари) фаолияти натижалари таҳлилига кўра белгиланади";

қуйидаги мазмундаги иккинчи ва учинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Қўшимча ойлик тўлов белгилашнинг энг кўп муддати 12 ойдан ошмаслиги керак.

Илм-фан ва таълим соҳасидаги давлат ташкилотларида илмий, илмий-педагогик ва меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи илмий даражага эга ходим бошқа илм-фан ва таълим соҳасидаги давлат ташкилотига ишга ўтган тақдирда, унга қўшимча ҳақ белгилашда ушбу Низомда белгиланган талаблар асосида фаолияти натижалари ҳисобга олинади”;

7-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“7. Қўшимча ҳақ ходим асосий лавозим бўйича эгаллаб турган ставкасига мутаносиб равишда ҳар ойда ҳисобланадиган базавий лавозим маошига нисбатан белгиланади, бунда ходимнинг таътил даври учун қўшимча ҳақ тўлов амалга оширилмайди”;

8-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

9-бандда:

“а” кичик банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“а) олий таълим муассасаси электрон платформасига ўқув юкламасида назарда тутилганидан ташқари мустақил ишлаб чиқилган ва ўқув жараёнида фойдаланилаётган ўз ўқув услубий мажмуаларини (модул дастури, ўқув контенти, муаммоли вазият, казус тест, видео дарс) жойлаштирганлиги учун”;

“б” кичик банддаги “илмий ва лаборатория” сўзлари “илмий ёки лаборатория” сўзлари билан алмаштирилсин;

“в” кичик банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

қуйидаги таҳрирдаги “в[1]” кичик банд билан тўлдирилсин:

“в[1]) ихтисослашган илмий кенгашлар ҳузуридаги ихтисосликлар бўйича (чет тили ва мутахассислик фанларидан) малакавий имтиҳон комиссияси ҳамда олий таълимдан кейинги таълимнинг барча шаклларида ўқишга талабгорларни танлов олиш учун кириш имтиҳонлар ва изланувчиларни мониторингдан ўтказиш жараёнида комиссия (ишчи гуруҳ) аъзоси бўлганлиги учун лавозим маошига нисбатан 5 фоиз миқдорида белгиланади.

Мазкур талаб асосида умумий қўшимча ҳақ лавозим маошига нисбатан бир ойда 15 фоиздан ошмаслиги лозим”;

“г” кичик банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“г) олий таълим муассасаларнинг биринчи мингталик (топ-1000) ёки фан йўналишлари бўйича биринчи юзталик (топ-100) халқаро (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) рейтингларга кирган олий таълим муассасаларининг онлайн таълим платформаларига киритилган ёки сайёр



шаклда ўтказилган ҳар бир маъруза учун лавозим маошига нисбатан 15 фоизгача белгиланади”;

“д” ва “ж” кичик бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

“з” кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“з) Scopus маълумотлар базасида камида охирги икки йил ичида доимий равишда бўлган (ушбу талаб Ўзбекистон номидан киритиладиган журналларга нисбатан татбиқ этилмайди) ҳамда Web of Science индексацияланган маълумотлар базалари журналларида эълон қилинган ҳар бир мақола (монография) учун муаллифга (бир нечта муаллиф бўлган тақдирда, тенг миқдорда тақсимланган ҳолда) лавозим маошига нисбатан 15 фоизгача белгиланади.

“и” кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“и) ўқув жараёнида амалий қўлланиладиган ёки ишлаб чиқаришга жорий қилинган интеллектуал фаолият натижаси ҳамда ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказилган дарслик, ўқув қўлланма, тадқиқотни амалиётга жорий қилинганлиги ҳақида марказий давлат органлари ва давлат бошқарув органларининг далолатномаси борлиги учун лавозим маошига нисбатан 15 фоизгача миқдорида белгиланади.

Мазкур талаб асосида умумий қўшимча ҳақ лавозим маошига нисбатан бир ойда 15 фоиздан ошмаслиги лозим”;

“к” кичик банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“к) ҳар бир ихтиро ва/ёки фойдали моделга хорижий патент олганлик учун муаллифга (бир нечта муаллиф бўлган тақдирда, тенг миқдорда тақсимланган ҳолда) лавозим маошига нисбатан 30 фоизгача миқдорида белгиланади”;

10-бандда:

“а” кичик банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

“г” кичик банддаги “илмий-педагогик фаолиятга оид” сўзлари “хорижий мамлакатларда ташкил қилинган илмий-педагогик фаолиятга оид” сўзлари билан алмаштирилсин;

“е” кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“е) ихтисослашган халқаро маълумотлар базасига киритилган ҳар бир илмий нашр (монография, илмий реферат, информацион реферат, услубий ишланмалар, тавсиялар, тезислар, шунингдек илмий конференция материаллари, илмий мақолалар, илмий ишлар тўпламлари) учун лавозим маошига нисбатан 30 фоизгача”;

“ж” кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"ж) давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мурожаатига асосан илмий-амалий таклифларни тайёрлаш учун қўшган ҳиссасини ҳисобга олган ҳолда, лавозим маошига нисбатан 30 фоизгача";

11-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

12-бандда:

"а" ва "в" кичик бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

"г" кичик банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"г) Scopus, Web of Science ва бошқа умумэътироф этилган индексацияланган маълумотлар базаларида камида охирги икки йил ичида доимий равишда бўлган журналларда (ушбу талаб Ўзбекистон номидан киритиладиган журналларга нисбатан татбиқ этилмайди) эълон қилинган ҳар бир мақола (монография) учун муаллифга (бир нечта муаллиф бўлган тақдирда, тенг миқдорда тақсимланган ҳолда) лавозим маошига нисбатан 15 фоизгача белгиланади";

"д" кичик банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

"е" кичик банд биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"е) ҳар бир ихтиро ва/ёки фойдали моделга хорижий патент олганлик учун муаллифга (бир нечта муаллиф бўлган тақдирда, тенг миқдорда тақсимланган ҳолда) лавозим маошига нисбатан 30 фоизгача миқдорида белгиланади";

"и" кичик банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

13-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"е) лавозим маошига бир марталик қўшимча ҳақ маълум бир давр учун эришилган натижалар йиғиндисидан келиб чиққан ҳолда ёки қуйидаги зарур шартлар бажарилганда белгиланади";

"а" кичик банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

"б" кичик банднинг учинчи хатбошидаги "100" ва "50" рақамлари тегишлича "60" ва "30" рақамлари билан алмаштирилсин;

"в" кичик банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

"д" кичик банддаги "халқаро илмий" сўзлари "хорижий мамлакатларда ташкил қилинган халқаро илмий" сўзлари билан алмаштирилсин;

"з" кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"з) давлат бошқарув органларининг мурожаатига асосан илмий-амалий таклифларни тайёрлаш учун қўшган ҳиссасини ҳисобга олган ҳолда, лавозим маошига нисбатан 30 фоизгача";



4-бобнинг номидаги "касб-ҳунар" сўзлари "профессионал" сўзи билан алмаштирилсин;

л) 14-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"14. Лавозим маошига ҳар ойлик қўшимча ҳақ ходимнинг фаолияти натижалари асосида қуйидагича ўрнатилиши мумкин";

қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

"Мазкур банднинг барча кичик бандлари асосида ҳар ойлик қўшимча ҳақ лавозим маошига нисбатан бир ойда фалсафа доктори (PhD)га 30 фоиз ва фан доктори (DSc)га 60 фоиздан ошмаслиги лозим";

5-бобнинг номидаги "Мактабгача таълим муассасаларида" сўзлари "Мактабгача таълим ташкилотларида" сўзлари билан алмаштирилсин;

16-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"16. Лавозим маошига ҳар ойлик қўшимча ҳақ ходимнинг фаолияти натижалари асосида қуйидагича ўрнатилиши мумкин";

қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

"Мазкур банднинг барча кичик бандлари асосида ҳар ойлик қўшимча ҳақ лавозим маошига нисбатан бир ойда фалсафа доктори (PhD)га 30 фоиз ва фан доктори (DSc)га 60 фоиздан ошмаслиги лозим";

қуйидаги мазмундаги $5^1$-боб билан тўлдирилсин:

**"$5^1$-боб. Ташкилотларда илмий даражага эга ходимларга қўшимча ҳақ тўлаш бўйича ишчи комиссияни ташкил этиш тартиби**

$17^1$. Қўшимча ҳақ олиш ҳуқуқига эга бўлган ходимларнинг аризаларини умумлаштириш ва коллегиал орган йиғилишида кўриб чиқиш учун ҳужжатларни тайёрлаш бўйича ишчи комиссия таркиби ҳар йили декабрь ойида Коллегиал орган қарори билан камида етти кишидан иборат этиб тасдиқланади.

$17^2$. Ишчи комиссия таркибига олий таълим муассасалари учун илмий ва инновациялар бўйича проректор (филиал директори ўринбосари), илмий ташкилотлар учун директорнинг илм-фан бўйича бўйича ўринбосари, бундай лавозим бўлмаганида илмий котиб, ўрта махсус, касб-ҳунар ва умумий ўрта таълим ташкилотлари учун директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари, мактабгача таълим муассасалари учун бош услубчи раҳбарлик қилади.

$17^3$. Ташкилотлар ишчи комиссия ҳуқуқлари ва жавобгарлиги, фаолиятини ташкил этиш тартибини тасдиқлайди".

24-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“24. Тизимида ташкилотлар мавжуд бўлган вазирлик ва идоралар Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда қонун доирасида ташкилот коллегиал органларнинг қўшимча ҳақ миқдорини ўрнатишни ташкил қилиши устидан назорат қилади”;

қуйидаги мазмундаги $24^1$-банд билан тўлдирилсин:

“$24^1$. Ушбу Низом докторантурада таҳсил олаётган шахсларга нисбатан татбиқ этилмайди”.

26-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Давлат бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотларда фаолият юритувчи илмий даражага эга ходимларга мазкур Низом талаблари асосида бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан қўшимча ҳақ тўланиши мумкин. Бунда қўшимча ҳақ белгилаш талаблари (мезонлари) давлат бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятининг асосий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда уларнинг коллегиал органи қарори билан тасдиқланади”.

**41.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази фаолиятини ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 10 февралдаги 75-сон қарорининг 3-банди учинчи хатбошисидаги “давлат илмий-техника дастурларини” сўзлари “илмий фаолиятга оид давлат дастурлари ва илмий фаолиятга оид давлат мақсадли дастурларини” сўзлари билан алмаштирилсин.

**42.** Вазирлар Маҳкамасининг “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 3 мартдаги 117-сон қарорининг 7-банди бешинчи хатбошисидаги “давлат илмий-техника дастурларини” сўзлари “илмий фаолиятга оид давлат дастурлари ва илмий фаолиятга оид давлат мақсадли дастурларини” сўзлари билан алмаштирилсин.

**43.** Вазирлар Маҳкамасининг “Илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 9 мартдаги 133-сон қарорида:

а) 1-иловада:

31-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи – тўртинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Қабул қилинган барча турдаги лойиҳа ҳужжатларининг молиявий-иқтисодий экспертизаси Буюртмачи томонидан амалга оширилади.

Молиявий-иқтисодий экспертиза лойиҳа фан йўналиши бўйича тегишли илмий-техник кенгаш томонидан молиялаштиришга тавсия этиш тўғрисидаги баённома Буюртмачига тақдим этилган кундан бошлаб ўн иш кунида амалга оширилади.



Молиявий-иқтисодий экспертизадан ўтмаган лойиҳалар кейинги босқичга ўтказилмайди ва молиялаштирилмайди”.

68-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“68. Лойиҳа талабномаларининг илмий экспертизаси икки босқичда ўтказилади:

биринчи босқичда ҳар бир лойиҳа талабномаси Буюртмачи томонидан мустақил экспертларни, шу жумладан хорижий экспертларни жалб этган ҳолда экспертиза қилинади;

иккинчи босқичда ҳар бир лойиҳа талабномаси фан йўналишлари бўйича тегишли илмий-техник кенгашлар (ИТК) томонидан очиқ муҳокамадан ўтказилади”;

75-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“75. Илмий экспертизанинг биринчи босқичида экспертлар лойиҳа талабномасини бир ой муддатда кўриб чиқади. Экспертиза натижаларига кўра, ҳар бир эксперт лойиҳа бўйича ўзининг эксперт хулосасини беради ва уни 100 баллик шкала бўйича баҳолайди, бунда 0 балл – энг паст кўрсаткич, 100 балл – энг юқори кўрсаткич ҳисобланади.

Бунда агар бир лойиҳа бўйича икки эксперт баҳоларидаги фарқ 25 баллдан юқори бўлса, экспертиза натижаларини аниқлаштириш мақсадида учинчи эксперт қўшимча экспертиза учун тайинланади.

Лойиҳа талабномасининг якуний эксперт баҳоси барча эксперт баҳоларининг ўртача арифметик қиймати сифатида ҳисобланади.

Илмий экспертизанинг биринчи босқичи натижалари Буюртмачи томонидан белгиланган тартибда расмийлаштирилган эксперт хулосалари илмий экспертизанинг иккинчи босқичини ўтказиш учун ИТКга юборилади.

Илмий экспертизадан ўтмаган лойиҳалар ИТК томонидан белгиланган тартибда расмийлаштирилган баённома ва эксперт хулосалари билан бирга Буюртмачига қайтарилади. Буюртмачи асослантирилган рад этиш хулосасини лойиҳа раҳбарларига интерфаол хизмат орқали билдириш учун электрон платформага жойлаштиради”;

88-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Давлат буюртмаси асосида илмий-тадқиқот лойиҳаларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ушбу мақсадлар учун ажратилган ҳамда ушбу мақсадлар учун жалб қилинган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Бунда тармоқ ва саноат корхоналари муаммоларини ҳал этишга қаратилган давлат буюртмаси асосида амалга ошириладиган илмий-тадқиқот лойиҳалари тармоқ ва саноат корхоналари билан келишувлар асосида шерикликда молиялаштирилиши мумкин.

Давлат буюртмаси асосида илмий-тадқиқот лойиҳаларни молиялаштириш тегишли молия йилидан бошлаб қуйидаги тартибда амалга оширилади:

Илмий-тадқиқот лойиҳалари Инновацион ривожланиш вазирлиги Ҳайъатининг тегишли қарорлари асосида Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) орқали молиялаштирилади;

Ҳар бир илмий-тадқиқот лойиҳасини молиялаштириш учун алоҳида шахсий хисобварақ очилади;

Ижрочи ташкилот томонидан ҳар бир илмий-тадқиқот лойиҳалар бўйича белгиланган тартибда харажатлар сметаси ишлаб чиқилади ва тасдиқланади";

89-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"89. Ҳар бир илмий-тадқиқот лойиҳаси ҳамда ҳисоботларни (оралиқ ва якуний) мустақил экспертлар томонидан илмий экспертизадан ўтказилганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг ярмига тенг ҳажмда гонорар тўланади";

90-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Лойиҳа доирасида ажратилган маблағлар илмий изланишлар олиб боришга, шунингдек, иш ҳақидан ташқари, умумий маблағнинг камида 40 фоизи илмий асбоб-ускуналар, хомашёлар ҳамда бошқа зарур материалларни харид қилиш ва моддий-техника базасини ривожлантириш билан боғлиқ бошқа харажатларга йўналтирилиши лозим, бунда фундаментал, шунингдек, ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасидаги лойиҳаларда мазкур миқдор 20 фоизгача камайтирилиши мумкин";

Қуйидаги мазмундаги $8^1$-боб билан тўлдирилсин:

**"$8^1$-боб. Давлат илмий дастурлари доирасида амалга ошириладиган илмий лойиҳалар харажатларини режалаштириш тартиби**

$90^1$. Лойиҳа илмий раҳбари бошқа жойга ишга ўтган ҳолларда лойиҳанинг амалга оширилиш жойи (ижрочи ташкилот) ўзгартирилмайди.

$90^2$. Харажатлар калькуляциясини тузишда харажатларнинг умумий молиявий ҳажми лойиҳа бажарилишининг бутун даври учун шу жумладан, ҳар бир молиявий йил кесимида алоҳида жадвалларда кўрсатилади.

$90^3$. Лойиҳаларни амалга ошириш учун харажатлар калькуляцияси қуйидагича режалаштирилади:

иш ҳақи тўловлари;

иш ҳақига тенглаштирилган тўловлар;

ягона ижтимоий тўлов;

бошқа харажатлар шу жумладан, илмий хизмат сафарлари харажатлари ҳамда асосий воситаларни сотиб олиш харажатлари.



$90^4$. Меҳнатга ҳақ тўлаш фондини шакллантиришда:

лойиҳани бажаришда иштирок этувчи ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари раҳбар, илмий ва ишлаб чиқариш ходимларига белгиланган тегишли базавий лавозим маошлари асосида, ёрдамчи ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш тегишли норматив лар ҳамда вақтинчалик пудрат шартномалари асосида ҳисобланган иш ҳақи тўловлари;

иш ҳақини минтақавий тартибга солиш ҳисобига, шу жумладан, чўл, сувсиз ва баланд тоғли ҳудудларда ишлаш учун минтақавий коэффициентлар бўйича қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тўловлар;

ҳомиладорлик ва туғиш даврига касаллик варақаси бўйича тўловлар (лойиҳани бажаришда қатнашувчи ташқи ўриндошларга татбиқ этилмайди);

илмий ходимлар, илмий ёрдамчи ва бошқа ходимлар учун иш ҳақи фондига киритилган ва қонунчилик ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа тўлов турлари лойиҳани бажариш учун ажратилган маблағлар доирасида ҳисобга олинади.

$90^5$. Ягона ижтимоий тўловлар иш ҳақи фондига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида белгиланган миқдорда режалаштирилади.

$90^6$. Сафар харажатларида, лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этувчи илмий ва илмий ёрдамчи ходимларнинг сафар харажатлари белгиланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ акс эттирилади.

Лойиҳаларни амалга ошириш билан бевосита боғлиқ бўлган ижрочи ташкилотлар илмий ходимларининг республика доирасида ҳамда хорижий хизмат сафарлари тадбирларда иштирок этиш учун тақдим этилган асословчи ҳужжатлар ва лойиҳанинг календарь режасига мувофиқ амалга оширилади.

Хорижий хизмат сафарлари харажатларини тўлаш учун миллий валютани хорижий валютага айлантириш қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланган тартибда амалга оширилади.

$90^7$. Бошқа харажатларнинг ҳар бир тури сарфланадиган маблағлар ва уларнинг тақсимоти харажатлар калькуляциясида алоҳида жадвалларда асослаб кўрсатилади. Харажат турлари ҳар бир лойиҳанинг мазмуни ва хусусиятидан келиб чиқиб шакллантирилади.

$90^8$. Давлат бюджети ҳисобидан лойиҳаларни бажариш учун ажратилган маблағларнинг қуйидаги харажатларга сарфланиши ман этилади:

бино ва иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш;

объектларни қўриқлаш хизмати тўловлари;

транспорт воситаларини (махсус транспорт воситалари бундан мустасно), ҳашаматли юмшоқ мебеллар ва аксессуарларни, уяли телефонларни сотиб олиш харажатлари, лойиҳа ижрочиси бўлмаган ходимларнинг хизмат сафарлари;

жамоат транспорти, махсус йўналишли транспорт воситалари, идоравий транспорт воситаларида иш жойига қатнаш учун йўл ҳақини тўлаш;

даволаниш ва дам олиш, экскурсиялар ва саёҳатлар, спорт секциялари, тўгараклар, клублардаги тадбирлар, маданий-кўнгилочар ва жисмоний тарбия (спорт) тадбирларига ташрифлар ҳамда шахсий истеъмол молларини сотиб олиш харажатлари;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан базавий молиялаштириладиган, шунингдек ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш, бино ва иншоотларини сақлаш ҳамда жорий харажатларини қоплаш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган ижрочи ташкилотларда устама харажатлар.

90[9]. Лойиҳаларни молиялаштириш учун ажратилган молиявий маблағлар Коллегиал орган қарорига мувофиқ Буюртмачи буйруғи билан тасдиқланади.

90[10]. Буюртмачининг Коллегиал орган қарорига мувофиқ қабул қилинган буйруғи асосида давлат илмий дастурларини бажаришга Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар бўйича харажатлар сметаси доирасида ижрочи ташкилотларга ажратилган маблағлар белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ахборот тизимида ҳар бир ижрочи ташкилот учун (унинг барча лойиҳалари бўйича) очилган шахсий ғазна ҳисобварағи орқали молиялаштирилади.

90[11]. Лойиҳалар Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан фақат юридик шахс мақомига эга бўлган ташкилотлар орқали молиялаштирилади.

90[12]. Давлат илмий дастурларини бажариш учун Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар бўйича харажатлар сметаси ижрочи ташкилотлар бўйича барча илмий лойиҳаларнинг умумий суммаси Бюджет тизими бюджетлари иқтисодий харажатлар таснифининг бир сатрида – 42 99 990 (Товар ва хизматлар сотиб олиш бўйича бошқа харажатлар) моддаси орқали акс эттирилган ҳолда тузилади ва молиялаштирилади.

90[13]. Лойиҳаларни Давлат бюджетидан молиялаштиришни муддатидан олдин тўхтатиш Илмий-техник кенгашнинг ушбу лойиҳаларни молиялаштиришни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги хулосаларига асосан Буюртмачининг қарорига мувофиқ амалга оширилади.

Буюртмачининг қарорига асосан лойиҳаларни бажариш муддати узайтирилиши ҳамда молиялаштириш ҳажмига ўзгартиришлар киритилиши мумкин. Бунда узайтирилган муддатда амалга ошириладиган илмий-тадқиқот ишларининг календарь режаси қўшимча шартнома билан тасдиқланади.

90[14]. Лойиҳаларни молиялаштириш муддатидан олдин тўхтатилганда, лойиҳа учун ажратилган маблағларнинг фойдаланилмаган қолдиқ суммаси ижрочи ташкилотларнинг шахсий ғазна ҳисобварағидан белгиланган тартибда чегирилади.



Тўхтатилган лойиҳалар шунингдек, тегишли молия йилида лойиҳалар бўйича сарф этилмаган маблағлар Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармасига йўналтирилади.

90[15]. Лойиҳаларга ажратилган маблағлар ҳисобидан харид қилинган барча асосий воситалар ижрочи ташкилотларнинг балансида қайд этилади ва уларнинг мулки ҳисобланади.

90[16]. Лойиҳаларни амалга ошириш учун ажратилган бюджет маблағларидан ўз вақтида ва мақсадли фойдаланиш бўйича жавобгарлик ижрочи ташкилотлар раҳбарлари ва бош ҳисобчилари, шунингдек, лойиҳа раҳбарлари зиммаларига юклатилади.

90[17]. Лойиҳаларни амалга ошириш учун ажратилган бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш бўйича давлат молиявий назорати қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати департаменти томонидан амалга оширилади".

107-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"107. Лойиҳа раҳбарлари ижрочи ташкилотларнинг раҳбарлари билан бир қаторда лойиҳа доирасида бажариладиган тадқиқотларнинг илмий-техник савияси, ҳисоботларни белгиланган муддатларда топширилиши, шунингдек, молиявий маблағларнинг самарали ва мақсадли сарф қилиниши ҳамда танловга лойиҳаларни тақдим этишда унда келтирилган илмий янгилик, ноу-хау ва ғояларни экспертиза жараёнларида очиқ муҳокамага қўйишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида ижрочи ташкилот ваколатли тузилмасининг (хизматининг) хулосасини илова қилинишига шахсан жавобгар бўлади";

б) 2-иловада:

2-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"ишчи орган – "стартап" лойиҳаларни баҳолашда техник таъминлаш ва кўмаклашишни, шунингдек, лойиҳалар мониторингини амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг масъул таркибий бўлинмаси";

3-банддаги "Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини" сўзлари "Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни" сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги 32-банд билан тўлдирилсин:

"32. Стартап лойиҳасига ажратилган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланишга талабнома берувчи (талабгор) ва ижрочи ташкилот раҳбари жавобгардирлар";

в) 3-илованинг 8-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"8. Илмий лойиҳаларнинг илмий экспертизасининг иккинчи босқичи бир ой мобайнида амалга оширилади. Бунда лойиҳа бўйича қўшимча

экспертиза ўтказилиши талаб этиладиган ҳолларда ушбу муддат Буюртмачи билан келишилган ҳолда яна икки ойгача узайтирилиши мумкин. ИТК томонидан қабул қилинган қарорлар Буюртмачига беш кун ичида тақдим этилади".

**44.** Вазирлар Маҳкамасининг "Агросаноат мажмуи учун захира кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2020 йил 19 мартдаги 172-сон қарорининг 5-банди бешинчи хатбошисидаги "давлат илмий-техник дастурлари" сўзлари "давлат илмий дастурлари" сўзлари билан алмаштирилсин.

**45.** Вазирлар Маҳкамасининг "Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш маркази фаолиятини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалиги ўсимликлари турларининг Миллий генбанкини яратиш тўғрисида" 2020 йил 13 майдаги 282-сон қарорининг 10-бандидаги "давлат илмий-техник дастурлари" сўзлари "давлат илмий дастурлари" сўзлари билан алмаштирилсин".

**46.** Вазирлар Маҳкамасининг "Республика ҳудудларида ёшлар технопаркларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2020 йил 22 майдаги 313-сон қарорида:

а) 4-банднинг тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликларининг "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компаниялари тегишлилиги бўйича Технопарклар бино ва иншоотларини қуриш, зарур моддий-техник база, асбоб-ускуна ва мебеллар билан жиҳозлаш ҳамда лойиҳа ишларини амалга оширсин";

б) 5-бандда:

бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси";

в) 6-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Технопарклар бино ва иншоотларини қуриш, қайта таъмирлаш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шунингдек, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш харажатлари Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан амалга оширилади";

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

"Технопарк директори меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари бўйича Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд органлари



ва нотариал идоралар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тариф сеткасини жорий этиш тўғрисида" 1996 йил 12 апрелдаги 147-сон қарори 5-иловаси билан тасдиқланган бўлим бошлиғи лавозимига тенглаштирилади";

учинчи хатбоши тегишлича тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

**47.** Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий ташкилотларини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш ҳамда самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2020 йил 8 июндаги 366-сон қарори 30-иловаси матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**"Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий ташкилотларининг бошқарув ва айрим ёрдамчи ходимларининг базавий лавозим маоши**

**МИҚДОРЛАРИ**

| Т/р | Лавозим номи | Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига нисбатан коэффициентларда |
|---|---|---|
| 1. | Директорнинг умумий ишлар бўйича ўринбосари | |
| | табиий-техника фанлари йўналиши бўйича | 6,654 |
| | гуманитар фанлар йўналиши бўйича | 5,988 |
| 2. | Бош бухгалтер, молия-иқтисод бўлими бошлиғи | 5,545 |
| 3. | Бўлим бошлиқлари (илмий-тадқиқот бўлимдан ташқари) | 4,99 |
| 4. | Бош иқтисодчи, бош патентшунос, ахборот-коммуникация технологиялари бўйича бош мутахассис ва ходимлар билан ишлаш бўйича бош мутахассис | 4,436 |
| 5. | Етакчи бухгалтер, етакчи иқтисодчи, етакчи патентшунос, ахборот-коммуникация технологиялари бўйича етакчи мутахассис ва ходимлар билан ишлаш бўйича етакчи мутахассис | 3,881 |
| 6. | Бухгалтер, иқтисодчи, патентшунос, ахборот-коммуникация технологиялари бўйича мутахассис, махсус бўлим мутахассиси, ходимлар билан ишлаш бўйича мутахассис (олий маълумотга ёки тегишли | |

| | | |
|---|---|---|
| | **соҳада 5 йилдан ортиқ иж стажига эга бўлган ўрта махсус маълумотга эга)** | |
| | 2 йилдан ортиқ иш стажига эга бўлган | 3,56 |
| | 2 йилгача иш стажига эга бўлган | 2,994 |

**Изоҳ**. *Таркибий бўлинмаларнинг бўлим бошлиқлари ўринбосарлари ва бош бухгалтер ўринбосарлари меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорлари тегишли таркибий бўлинма раҳбари ва бош бухгалтери базавий лавозим маоши миқдоридан 10 фоиз паст қилиб белгиланади*".

**48.** Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат илмий ташкилотларини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан базавий молиялаштиришга ўтказиш тўғрисида" 2021 йил 26 майдаги 326-сон қарори 2-иловасида:

а) 15-позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"

| | | | |
|---|---|---|---|
| 15. | Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг филиаллари | Директор | 1 |
| | | Илмий ишлар бўйича директор ўринбосари | 1 |
| | | Илмий котиб | 1 |
| | | Лаборатория мудири | 9 |
| | | Лаборант | 9 |
| | | Жами | 21 |

"

б) Соғлиқни сақлаш вазирлиги бўйича "Жами" штат бирлиги устунидаги "242" рақами "258" рақами билан алмаштирилсин;

в) "Жами ташкилотлар бўйича" блокидаги "305" рақами "321" рақами билан алмаштирилсин.

UMUMIY BO'LIM № 1